

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

УМАРОВ ФУРҚАТЖОН ШУХРАТ ўғли

5230100 –“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича бакалавр
академик даражасини олиш учун " **Иқтисодиётни барқарор
ривожланишида тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни
таъминлашнинг асосий йўналишлари (Миллий иқтисодиёт
мисолида)**” “мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар: катта ўқитувчи: М.Нурмухамидова

ГУЛИСТОН -2016

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА МУТАНОСИБЛИКЛАР ВА ТАРМОҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРДАГИ ЎРНИ.....

1.1. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни...

1.2. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда тармоқлар ўртасидаги
мутаносибликлар ва уларнинг таркибий ўзгаришлар жараёнидаги роли...

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРМОҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИК ХОЛАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....

2.1. Миллий иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик
ҳолати ва муаммолари.....

2.2. Республикамизда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги
мутаносиблик ҳолатининг таҳлили.....

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАРМОҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....

3.1. Тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий
самарадорликни ошириш йўллари

3.2. Иқтисодий тежамкорликни таъминлашда тармоқлар ўртасидаги
мутаносибликни ривожлантириш йўналишлари.....

Хулоса

Адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун унинг турли бўлимлари, тармоқлари, сохалари ўртасида ўзаро мутаносиблик бўлиши объектив зарур муаммо ҳисобланади. Иқтисодиётда мутаносибликни таъминланмаслиги мамлакатда иқтисодий ресурслардан самарасиз фойдаланилишига бу эса ўз навбатида иқтисодий инқрозларни юзага келишига, ишсизлик ва инфляция даражасининг ошиб кетишига ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади.

Шунингдек кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш, таркибий ўзгартиришлар жараёнлари олиб борилмоқда. Агар бу жараёнга эътиборсиз ёндашилса, иқтисодиётимизнинг турли тармоқлари, сохалари, бўғинлари ўртасидаги мавжуд нисбатларнинг ўзгаришига ва мутаносибликларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари жаҳонда ҳукм суриб турган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ишлаб чиқариш хажми ва ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетишига, кўплаб корхоналарнинг ёпилиб, ишсизлар сонининг ортишига, турли мамлакатлар пулининг қадри тушиб кетишига сабаб бўлмоқда. Юзага келаётган бундай ҳолатлар иқтисодиёт тармоқ, соҳа ва бўғинларини мутаносибли ривожлантириш йўллари кидириб топиш, уни таъминлаш механизмларини такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов “Иқтисодиётимизнинг 2014-йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган” – деб таъкидлаганлар (36).

Бундай шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг тармоқлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ўта зарур

вазифа хисобланади. Чунки турли тармоқлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бири билан мос ҳолда ривожлантирилмаса, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларида, турли тармоқлар ўртасида номувофиқликлар юзага келиб, беҳуда харажатлар ва исрофгарчиликларга йўл қўйилиши мумкин. Бу эса тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни келтириб чиқариб, ортиқча товарларни шакллантиради, ишлаб чиқариш қувватларини бекор туриб қолишига сабаб бўлади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг исроф бўлишига олиб келади. Бу эса иқтисодиётда ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муаммоси чуқур тадқиқ қилиниши зарур бўлган долзарб мавзу хисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий мутаносиблик, уларнинг мазмуни, моҳияти, турлари ва бошқа жихатлари билан бир қатор россиялик, украиналик олимлар В.С.Дунаев, М.Б.Мазанова, М.З.Бор, С.С.Шаталин, Т.Г.Бродский, Д.К.Трифанов кабилар шуғулланиб, бу масалаларни ёритишга ҳаракат қилганлар. Лекин бу олимларнинг асарларида иқтисодий мутаносиблик фақат социализмга хос ҳодиса деб кўрсатилган ва ўша шароитга мослаб унинг мазмуни, шакллари, амал қилиши ёритилган.

Мамлакатимизнинг бир қатор иқтисодчи олимларидан А.Абдуғаниев, У.Абдураззоқов, А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, Ш.Шодмонов, Е.Шодмонов, М.Турсунхўжаев, А.Вахобов, Х.Баракаев, В.Осминин, Ф.Наточиев, М.Таджимуратов, А.Ўринов, О.Хамроев У.Ғофуров ва бошқалар иқтисодий мутаносибликнинг баъзи бир жихатларини ёритганлар.

Лекин бу муаллифларнинг ишларида иқтисодий мутаносибликнинг назарий асослари, мазмуни уни таъминлашнинг баъзи жихатлари билан чекланиб қолинган бўлиб, тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик бўйича алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бундан ташқари янгича иқтисодий шароитда, яъни иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш,

диверсификациялаш жараёни амалга оширилаётган, жахон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирини юмшатиш дастури бажарилаётган шароитда унинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари такомиллаштириш масалалари яхлит тахлил этилмаган.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. БМИнинг асосий мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг мазмунини, ўзгариш тамойилларини, омиллари ва механизмларини чуқур тадқиқ қилиш асосида Республикамизда уни таъминлашни такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Шу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- мутаносибликнинг иқтисодий мазмунини ёритиб бериш;
- тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик ва унинг таркибий ўзгаришлар жараёндари ролини очиб бериш;
- миллий иқтисодиёт сохалари ва тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини тахлил қилиш ва муаммолари аниқлаш;
- Республикамизда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини тахлили асосида ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари кўриб чиқиш;
- иқтисодий тежамкорликни таъминлашда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, унинг турли тармоқлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ва такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Миллий иқтисодиётининг тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар ва уларнинг ўзгариш тенденцияси тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услубий базаси сифатида мамлакатимиз Президенти И.Каримов асарларидан, қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳамда мутаносибликка оид бўлган адабиётлардан кенг фойдаланилади. Ундан ташқари тадқиқот жараёнида диалектик, илмий абстраксия, таҳлил ва синтез, мантиқийлик ва тарихийлик ҳамда макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлил бирлиги, математик ва статистик усуллар қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:

- мутаносиблик тўғрисидаги назариялари ўрганилиб, унинг иқтисодий мазмунини ёритиб берилди;
- тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик ва унинг таркибий ўзгаришлар жараёнидаги роли очиб берилди;
- миллий иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини таҳлил қилинди ва муаммолари аниқланди;
- Республикамизда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати таҳлил қилинди ва ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари аниқланди;
- иқтисодий тежамкорликни таъминлашда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, битирув малакавий ишидан олинган илмий ва амалий тавсиялардан иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишларини чуқур ўрганишга бағишланган тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин.

БМИда материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси»,

«Макроиктисодиёт», «Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш»
фанлари дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши ва хажми. БМИнинг таркиби кириш, учта боб,
хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши матни
бетдан иборат бўлиб, та жадвал ва та расмни ўз ичига олган.

I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА МУТАНОСИБЛИКЛАР ВА ТАРМОҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРДАГИ ЎРНИ

1.1. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий мутаносибликнинг мазмунини

Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши бир қанча хўжалик юритувчи субъектлар мажмуидан иборат бўлиб, турли йўналишда фаолият юритишда юқори фойда олиш мақсадида кўзга кўринмас иқтисодий алоқалар, муносабатлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари иқтисодиётнинг циклик тебранишларсиз бир маромда барқарор, самарали ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш унинг турли томонлари, сохалари ва бўлимлари ўртасида муайян мосликнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Мана шу мослик иқтисодий мутаносиблик бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий тизимнинг трансформацияси жараёнида ривожланади, такомиллашади ва ўзгариб боради.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва сохалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир. Бунда тенглик бўлиши шарт эмас. Улар мос келувчи нисбатларда (масалан, 2:3, 5:3, 3:1) бўлиши мумкин. (78).

Иқтисодий жараёнлар ғоят мураккаб, ўзгарувчан ва кўп томонлама бўлганлиги учун мутаносиблик турлари ҳам кўп ва хилма-хилдир. Жумладан, А.Г.Грязнова асосан қуйидаги мутаносиблик турларини ажратиб кўрсатадилар:

1) ресурсларнинг ҳажми, таркибий тузилиши ва самарадорлигини моддий неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқариш таркибий тузилмаси билан боғловчи омиллар (ишлаб чиқариш, меҳнат, молиявий ресурслар) мутаносиблиги;

2) жамғариш меъёрини, яъни ишлаб чиқаришнинг маълум ҳажмига эришиш учун уни кенгайтиришга йўналтирилувчи мамлакат миллий даромадидаги улушни белгиловчи жамғариш мутаносиблиги;

3) ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган даромадларни ишлаб чиқариш омилларининг барча эгалари ўртасида тақсимланиши нисбатини белгилаб берувчи тақсимот мутаносиблиги;

4) истеъмолчи талаби ва тақлифнинг хажми, таркибий тузилиши ва қиймати бўйича нисбатини белгилаб берувчи айирбошлаш (сотиш) мутаносиблиги;

5) товар ва пул массаси ўртасидаги нисбатни акс эттирувчи товар-пул мутаносиблиги (75).

Ш.Шодмонов, У.Ғофуров эса бошқа олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда умумлаштириб, иқтисодий мутаносибликларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш лозим деб кўрсатиб ўтишган.

1. Умумиқтисодий тавсифдаги мутаносибликлар. Бунга миллий даромаддаги таркибий қисмлар: истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги; иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги; аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2. Тармоқлар ўртасидаги мутаносибликлар. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликлар алоҳида ўрин тутди. Мамлакат халқ хўжалиги жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-бирини тақозо қилади. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки пировард маҳсулотга айлантирилиб, ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг кўпчилик қисми (пахта, ғалла, пилла, сут ва х.к.) саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеомолчилик товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари яратадиган соҳаларнинг маҳсулотлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари (қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва х.к.) да унумли истеъмол қилинади. Бу уларнинг бир-бирига боғлиқликда

ривожланишини тақозо қилади. Тармоқлар ўртасидаги мутаносибликларга саноат билан қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар мисол бўлади.

3. Тармоқ ичидаги мутаносибликлар. Тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ.к. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар.

4. Худудий (территориал) мутаносибликлар. Иқтисодий ривожланиш мамлакат айрим худудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қилади. Юзаки қараганда худудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий ривожига роли тўлиқ намоён бўлмайди. Лекин алоҳида худудий бўлинмалар (вилоят, туман, шаҳар ва бошқа худудий бирликлар)нинг бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жihatдан боғлиқлиги, ихтисослашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва коммуникация нуқтаи-назарида қаралса, бу боғлиқликнинг аҳамияти яққол кўринади.

5. Давлатлараро мутаносибликлар. Бу мутаносибликни икки ҳолат тақозо қилади. Биринчидан, дунёнинг кўпчилик мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимооти орқали бир-бири билан боғланган, иккинчидан, шу боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан харид қилинади ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради. Бу боғлиқлик қанчалик

катта бўлса, соф экспорт хажми орқали макроиқтисодий мувозанатликка шунчалик кучли таъсир кўрсатади (73).

Иқтисодий мутаносиблик категориясини билиш фақатгина илмий назарий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, шу билан бир қаторда жамият ижтимоий-иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда катта амалий аҳамият касб этади. Товарлар хажми билан амалда ҳаракат қилаётган пул массаси (нақд ва кредит пуллар) ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши, товарлар хажми эътиборга олинмасдан нақд пул ва кўплаб турли хил тўлов воситалари, қимматли қоғозларнинг муомалага чиқарилиши жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозини келтириб чиқаргани, бундан эса бутун жаҳон иқтисодиёти зарар кўриб келаётганлиги каби кўпгина мисоллар фикримиз далилидир. Иқтисодий мутаносиблик алоҳида иқтисодий категория бўлиб, у ўз табиати, келиб чиқиш сабаблари, ички ривожланиш қонуниятлари ва намоён бўлиш шаклларига эгадир. Мутаносибликнинг бу жихатларини ва самарали иқтисодий тараққиётга таъсирини билиш учун энг аввало унинг мазмунини чуқурроқ ўрганиш тақозо этилади.

Бир қатор россиялик олимлар (В.С.Дунаев, М.Б.Мазанова, М.З.Бор, С.С.Шаталин, Т.Г.Бродский, Д.К.Трифанов ва бошқалар) томонидан иқтисодий мутаносибликнинг мазмунини ёритишга ҳаракат қилинган. Улар мутаносибликни ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг таркибий қисмлари ўртасидаги мақдорий боғлиқлик ва ушбу тизимни рўёбга чиқаришни таъминловчи воситаси деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари мутаносибликка тор доирада ёндашилиб, унинг асосий мазмуни ишчи кучини ишлаб чиқариш таркиби нисбатларига мос равишда тақсимлашни йўлга қўйишдан иборат деб қаралган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги яратилган дарсликлар, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётларнинг аксарият қисмида иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни, амал қилиш шарт-шароитлари ва хусусиятлари тўғрисидаги илмий

хулосалар ва маълумотлар баён этилмаган. Бир қатор адабиётларда бозор мувозанати ва макроиқтисодий мувозанат тўғрисида фикр юритилсада, уларни таъминлашнинг муҳим шарти ва таркибий қисми ҳисобланган иқтисодий мутаносиблик назардан четда қолган.

Баъзи адабиётларда иқтисодий мутаносибликни мувозанатлик билан чалкаштириш ҳолатлари мавжуд. Жумладан, А.Ўлмасов «истеъмол ва жамғариш мувозанати», «товар ва пул мувозанати» каби ибораларни қўллаб, иқтисодий мутаносиблик тўғрисида тўхталмайди. Холбуки, ўша жойнинг ўзида у «Истеъмол ва жамғариш мувозанати уларнинг миқдоран тенглиги эмас, балки уларнинг оптимал нисбатда бўлишини билдиради» деб таъкидлаб, ўзи томонидан «мувозанат» тушунчасининг ноўрин ишлатилганини яққол намоён этади (78).

2001 йил январ ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгаши мажлисида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан иқтисодиётнинг турли томонлари ўртасида жиддий номутаносиблик борлиги таъкидланиб, уларни бартараф қилиш зарурлиги кўрсатилганидан кейин МДХ мамлакатлари ичида Ўзбекистонда бу масалага эътибор берилга бошланди ва айрим тадқиқотлар амалга оширилди.

Аммо бозор иқтисодиётининг таркибий тузилиши жуда мураккаб бўлиб, у ҳар хил йўналишда, соҳада, тармоқларда фаолият юритаётган бир неча минглаб хўжаликлар ва ташкилотлардан иборатдир. Бу хўжалик ва ташкилотларнинг фаолияти ҳар хил бўлсада, бир хил ягона мақсадга, яъни мамлакатимиз аҳолисига сифатли товар ва хизматлар етказиб бериб, юқори фойда олишга қаратилгандир. Чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиб, бу мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилувчи иқтисодиётнинг турли томонлари ва бўлаклари ўртасида миқдор ва сифат жихатидан маълум мослик бўлиши борган сари объектив заруриятга айланиб бормоқда.

Бу мутаносибликни таъминлаш учун унинг мазмуни ва амал қилиш механизмини кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ қилиш талаб этилади. Мутаносибликнинг мазмуни жуда кенг бўлиб, унинг табиий, умумфалсафий ва умумсоциал томонлари мавжуддир.

Иқтисодий мутаносиб юритишнинг асосий негизи турли хил товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни, яъни талабни ўрганишдан бошланади. Аҳолининг қайси турдаги товар ва хизматларга қандай сифатда ва қанча миқдорда талаби борлиги, бу турли талабларнинг ўзаро нисбати аниқланса, ушбу талабларни қондириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш таркиби, хажми ва уларни яратиш учун қанча миқдорда ишчи кучи ва бошқа иқтисодий ресурслар кераклиги ва бу ресурслар ўртасидаги нисбатлар аниқланади. Шундай қилиб, иқтисодий мутаносиблик бир томондан турли талаб миқдорлари ва сифатлари аниқланиб, улар ўртасидаги маълум нисбатлар бўлишини, бу нисбатлар орқали улар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлигини, иккинчи томондан эса шу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи сохалар, тармоқлар ўртасида, шунингдек уларни яратишда иштирок этувчи турли омиллар ўртасида ҳам маълум нисбатлар бўлиб, улар бир бири билан алоқада ва ўзаро таъсирда бўлишини ифодалайди. Масаланинг энг муҳим томони мана шу талаб турлари ўртасидаги нисбатлар билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг турлари ва уларни яратишда қатнашувчи иқтисодий ресурсларнинг турлари ўртасидаги нисбатлар маълум даражада бир-бирига боғлиқликда ва мувофиқликда, яъни мосликда бўлиши зарурдир. Бу жараён жуда мураккаб ва ўзгарувчан жараёндир.

Шунга кўра, иқтисодий мутаносибликнинг алоҳида, мустақил, доимо ўзгаришда ва ривожланишда бўладиган илмий категория сифатидаги мазмуни ва хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим иқтисодий адабиётларда мутаносибликнинг турли кўринишларига эътибор берилиб, улар умумиқтисодий, тармоқлар ўртасидаги,

тармоқ ичидаги, ҳудудий мутаносибликлар каби гуруҳларга ажратилади.

Ушбу туркумдаги мутаносибликлар корхоналарда қўлланилаётган ер, капитал билан ишчи кучи, иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари, яъни техника, технология билан хом ашё, асосий ва айланма капиталлар ўртасидаги мутаносибликларни ифодалайди.

Иқтисодий тараққиётнинг турли давр ва босқичларида мутаносибликнинг шакллари, турлари ва амал қилиш механизмлари ўзгариб туради. Ундан ташқари иқтисодий мутаносиблик бошқа иқтисодий қонунлар ва категориялар билан чамбарчас боғлиқликда ҳамда ўзаро таъсирда бўлади, улардаги ўзгаришлар мутаносибликнинг мазмунига ва амал қилиш механизмларига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Иқтисодий мутаносибликнинг амал қилиши, миқдор жихатдан иқтисодий нисбатларда ўз аксини топади. Иқтисодий нисбатлар маълум даражада О.Хамроев томонидан тадқиқ этилиб, уларга қуйидагича таъриф берилган: «Иқтисодий пропорсия(нисбат)лар – бу ягона яхлит тизимнинг миқдорий тавсифидир. Маълумки, ҳар қандай иқтисодий жараён маълум бир моҳият ва мазмунни, унинг ички тузилиши ва таркибини ифода этади. Иқтисодиётда рўй берадиган барча воқеа ва ҳодисалар маълум миқдорий кўрсаткичларда акс эттирилади».

Баъзи адабиётларда мутаносиблик ва нисбатларга бир хил тушунча сифатида қаралади. Масалан, А.Грязнова, Т.Чечелева томонидан иқтисодиётдаги мавжуд мутаносибликлар нисбатлар кўринишида ифодаланган.

О.Хамроевнинг тадқиқот ишида нисбат билан мутаносиблик бошқа-бошқа тушунча эканлиги, жумладан, мутаносиблик – бу яхлит бир тизимдаги нисбатлар мажмуи эканлиги, яхлит тизимдаги барча нисбатлар маълум бир мақсадга мувофиқ ўзаро уйғунлаштирилган бўлсагина – бу тизимда мутаносиблик бор дейишга асос бўлади, деб таъкидлаб ўтган ва ўзининг илмий ишида иқтисодий нисбатларнинг турли белги ва хусусиятларига кўра туркумлаб

берган (93).

Бизнинг фикримизча, иқтисодий мутаносибликнинг илмий категория сифатидаги мазмунини очиб бериш унинг вазифаларини ажратиб кўрсатишни ҳам тақозо этади. Иқтисодий мутаносибликнинг назарий ва амалий жihatларини тадқиқ этиш орқали унинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир маромда, барқарор равишда бориши учун асос яратиш;
- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- иқтисодий ресурсларнинг давлатлар, миллий иқтисодиёт тармоқ ва сохалари, ҳудудлари ва бошқа таркибий қисмлари бўйича оқилона ва самарали тақсимланишига имкон яратиш;
- жамиятдаги ялпи ижтимоий меҳнатни ишлаб чиқариш тармоқлари ва сохалари ўртасида оқилона тақсимлаш ва ҳ.к.

Иқтисодий мутаносибликларнинг вазифаларини аниқ ва изчил равишда бажарилиши ўз навбатида иқтисодий тараққиётнинг барқарорлиги ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Иқтисодий адабиётлар тахлили ва амалий тадқиқотлар иқтисодий мутаносибликнинг мазмуни унинг белгилари орқали намоён бўлишини кўрсатди.

Қуйида биз ушбу белгиларнинг мазмунини батафсил кўриб чиқамиз.

1.Иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши эканлиги. Мутаносибликнинг илмий категория сифатидаги мазмунини тадқиқ этишда энг аввало унга иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши жихатидан ёндашиш зарур. Чунки, иқтисодий мутаносиблик кишилар ўртасида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ходиса ва жараёнларни, яъни муносабатларни намоён этади. У кишилик жамиятидан ташқарида мавжуд эмас. Шундай экан, мутаносибликнинг муҳим белгиси – жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий

ишлаб чиқариш, иқтисодий ходиса ва жараёнларнинг турли томонларини маълум нисбатлардаги ўзаро мувофиқлигини намоён этувчи муносабатлардир.

2. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзгариши билан боғлиқлиги. Юқоридаги фикр-мулохазалардан кўринадики, иқтисодий мутаносибликлар объектив тавсиф касб этиб, такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазалари, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истёъмол жараёнлари учун хосдир. Иқтисодий мутаносибликларнинг пайдо бўлишини инсоннинг дастлабки иқтисодий фаолиятининг юзага келиши билан боғлаш мумкин. Бироқ, айти пайтда, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан иқтисодий мутаносиблик турлари кўпайиб, зарурлиги ошиб, кўринишлари такомиллашиб боради.

3. Иқтисодиётнинг турли томонлари ва сохалари ўртасида амал қилиши. Иқтисодиёт ўта мураккаб, серқирра ва турли жихатларни қамраб оловчи ўзига хос тизимдир. Иқтисодиётнинг самарали амал қилиши ва ривожланиши мана шу тизим таркибий қисмларининг ўзаро уйғунлик ва мувофиқликдаги ҳаракатига боғлиқ. Бундан кўринадики, иқтисодий мутаносиблик иқтисодиётнинг турли томонлари ва сохалари ўртасида амал қилиб, уларнинг мақсадга мувофиқ ҳаракатини тартибга солади.

4. Ходиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жихатларини қамраб олиши. Кўп ҳолларда мутаносиблик ходиса ва жараёнларнинг турли томонлари ўртасидаги муайян нисбатлардаги мувофиқлик сифатида қаралади. Бироқ, бу нисбатлар аниқ ҳолатларда нималар орқали намоён бўлиши мавҳумлигича қолади. Айрим мутахассислар ушбу нисбатларнинг иқтисодиётнинг турли томонлари ва сохалари ўртасидаги фақат миқдор жихатдан мослигини намоён этишини таъкидлайдилар. Бу эса, фикримизча, масалага бир томонлама ёндашув ҳисобланади. Чунки, мутаносибликда нисбатларнинг сифат жихатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Иқтисодиётнинг турли томонлари ва сохалари ўртасидаги мосликни аниқлашда сифат мезонларидан фойдаланиш мураккаб

жараён хисобланади. Миқдор мезонлари нисбатан аниқ, яққол намоён бўлувчи ва баҳолашга қулай бўлса, сифат мезонлари, аксинча, бир оз мавҳумлик касб этади. Масалан, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мутаносибликни баҳолашда бу икки жараённи махсулот ва хизматларнинг қиймати, натурал хажми каби миқдорий ўлчамлари бўйича таққослаш мумкин. Бироқ, ҳақиқий мутаносибликка эришиш учун, ишлаб чиқариш таркибининг истеъмол таркибига мувофиқлиги каби сифат жихатларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

5. Малум бир жараённинг турли томонлари ўртасидаги тенглик бўлишининг шарт эмаслиги, улар мос келувчи нисбатларда бўлиши мумкинлиги. Биз олдинги бобда иқтисодий мувозанат тўғрисида сўз юритганда унинг иқтисодий ходиса ва жараёнлар ўртасидаги тенгликни тақо-зо этишини таъкидлаб ўтган эдик. Мувозанатликдан фарқли ўлароқ, иқтисодий мутаносибликда томонлар ўртасидаги тенглик шарт бўлмай, балки ушбу томонларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маълум нисбатлардаги мослик кифоя қилади. Кўплаб мутахассислар томонидан ҳам иқтисодий мутаносиблик шароитида тенгликнинг шарт эмаслиги, улар мос келувчи нисбатларда (масалан, 2:3, 5:3, 3:1) бўлиши мумкинлиги таъкидланади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, реал ҳаётда иқтисодий мутаносиблик тақозо этилувчи томонлар ўртасида тенглик ҳолатлари ҳам вужудга келиши мумкин.

6. Умуман иқтисодиётни, шу жумладан, ундаги иқтисодий ходиса ва жараёнларни тартибга солишга йўналтирилганлиги. Иқтисодий мутаносибликлар иқтисодиётни тартибга солиш хусусиятига эга. Бунда улар иқтисодиётнинг турли томонларини ўзаро боғловчи, оқилона ҳаракатини таоминловчи меъёрий талаблар сифатида пайдо бўлади. Мазкур меъёрий талаблар ҳар бир иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, ривожланганлик ва эркинлик даражасига кўра фарқланиши мумкин. Уларга амал қилмаслик иқтисодий номутаносибликлар, яъни унинг турли томонларининг мувофиқ

келмаслиги натижасида барқарор ва изчил, бир маромда ривожланишнинг издан чиқишига олиб келади.

7. Турли омиллар таъсирида ўзгарувчанлиги. Иқтисодий мутаносиблик ижтимоий хўжаликнинг турли томонларини қамраб олар экан, айти пайтда унинг таркиб топиши ва амал қилиши ҳам кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Биз мутаносибликларнинг алоҳида турлари бўйича уларга таъсир қилувчи омилларни олдиндан аниқлаб, улар мақсадга мувофиқ намоён бўлади. Бироқ, иқтисодий ҳаётнинг турлилиги, ундаги воқеа ва ҳодисаларнинг ўзгарувчанлиги мазкур мутаносиблик жараёнларга турли омилларнинг таъсирини ҳам келтириб чиқаради. Бу эса иқтисодий мутаносибликларнинг узоқ вақт давомида бир хил бўлиб тура олмаслиги, ўзгарувчанлик хусусиятга эга эканлигини билдиради.

8. Бузилган нисбатларнинг ўз-ўзидан қайта тикланишга интилиши. Мутаносибликлар иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва тасодифий омиллар таъсирида ўзгариб, базан бузилиб, издан чиқиб турар экан, айти пайтда уларнинг табиатида мустақил (автоматик) равишда қайта тикланишга интилиш ҳам мавжуд бўлади. Чунки, мутаносибликларнинг бузилиши, уларнинг тури ва даражасидан келиб чиққан ҳолда, турли иқтисодий субъектлар манфаати мувозанатининг бузилишига олиб келади. Бу эса, уму-мий ҳолда, иқтисодий субъектлар томонидан олинаятган нафлилик даражаси-нинг пасайиши орқали намоён бўлади. Нафлилик даражасини оширишга ин-тилиш кўплаб иқтисодий дастаклар (бозор, талаб ва таклиф, нарх, рақобат ва бошқа механизмлар) орқали мутаносибликни қайта тиклашга томон ундайди. Шунга кўра, мутаносибликнинг амал қилишини ҳам «мутаносибликнинг ву-жудга келиши - мутаносибликнинг бузилиши - мутаносибликнинг қайта тик-ланиши» схемаси орқали ифодалаш мумкин. Бироқ, мутаносибликларнинг ўз-ўзидан қайта тикланиш хусусиятини рўёбга чиқариши учун иқтисодиётда маълум шарт-шароитлар, жумладан, соғлом иқтисодий муҳит, иқтисодий эркинлик, ижобий таркибий ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш ва

бошқа имкониятлар мавжуд бўлиши лозим.

9. Турли хусусиятларига кўра фарқланувчи муайян тизимга эгаллиги. Иқтисодий мутаносибликларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ баён этиш мақсадида уларнинг турли кўринишлари бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай туркумлаш шунчаки расмий тавсиф касб этмай, балки мутаносибликларнинг иқтисодий ходиса ва жараёнлардаги ролини очиб бериш ҳамда таҳлил қилишда мақсадга мувофиқ ёндашиш имконини беради.

1.2. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликлар ва уларнинг таркибий ўзгаришлар жараёнидаги роли

Хар қандай миллий иқтисодиёт муайян таркибий тузилмага эга бўлиб, у кўплаб соҳа ва тармоқларнинг мажмуидан иборат. Миллий иқтисодиёт самарали амал қилиши учун барча бўлим, соҳа ва тармоқлар ўртасида уйғунлик таъминланиши лозим ҳисобланади. Бунда миллий иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг тармоқ жихатидан тузилиши бир томондан, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг маълум таъсири бўлса, бошқа томондан, табиий-тадрижий жараён натижаси бўлиб ҳисобланади.

Тармоқлар ўртасидаги мутаносибликларнинг зарурлиги қуйидагиларда ифодаланади:

- 1) баъзи тармоқлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятига боғлиқлиги;
- 2) тармоқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуна, жихозлар ва техника воситаларининг бошқа тармоқларда яратилиши;
- 3) муайян тармоқда яратилган маҳсулотнинг бошқа тармоқ учун хом ашё, ярим фабрикат ёки бутловчи қисм бўлиб хизмат қилиши;

4) иқтисодиётнинг яхлит организм сифатида фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг унинг таркибидаги турли тармоқлар ўртасидаги оқилона нисбатга боғлиқлиги ва х.к.

«Тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва х.к. Шу билан бирга келтирилган соҳалар ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур»(45).

Турли мамлакатлар иқтисодиётидаги соҳа ва тармоқлар ўртасидаги мутаносибликлар бир-бирларидан фарқланиши мумкин. Бунда мазкур турдаги мутаносибликнинг вужудга келишига таъсир этувчи омиллар муҳим ўрин тутди.

Кўп жihatдан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг ҳолати ва даражасига боғлиқ. Мамлакатлар ривожланиб бориши билан улар иқтисодиётидаги соҳа ва тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ҳам сезиларли ўзгариб боради. Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш соҳалари, ҳам ашё етказиб бериш ва уни қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги нисбатларда яққол намоён бўлади.

Жумладан, «постиндустриал ривожланиш босқичида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси(учламчи сектор)нинг улуши сезиларли ўсиб, моддий ишлаб чиқариш соҳаси (бирламчи ва иккиламчи секторлар)нинг улуши қисқарди. Ушбу мамлакатларнинг ЯИМ таркибида 60-90

йилларда қишлоқ хўжалигининг улуши изчил равишда пасайиб борди(1960 йилдаги 6,5%дан 1980 йилда 4,2% ва 1995 йилда 3%гача).

XX асрнинг иккинчи ярмида саноати ривожланган мамлакатлар ЯИМ таркибидаги ўзгаришларнинг муҳим тенденцияси бўлиб ноишлаб чиқариш соҳаси (учламчи сектор)ни иқтисодийнинг салмоқли қисмига айланиши хисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги операциялар ҳажми ушбу мамлакатларда қайта ишлаш саноатидаги ишлаб чиқариш ҳажмидан ошиб кетди».

Ривожланган мамлакатлар ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси аҳамиятли даражада ўсиб, қишлоқ хўжалигининг улуши эса аксинча камайиб бормоқда.

Тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллардан яна бири — мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражасидир.

«Иқтисодий салоҳият» тушунчаси мамлакатдаги иқтисодий ресурслар мажмуи ва уларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш қобилиятини англатади. Иқтисодий салоҳияти ва улардан фойдаланиш даражаси турли мамлакатларда турлича бўлганлиги сабабли, улардаги соҳа ва тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ҳам ўзаро фарқ қилади. Мисол учун, нефтни экспорт қилувчи ОПЕК ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодиётида нефтни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш тармоғи етакчи ўрин эгаллаб, қолган тармоқлар унга нисбатан ўзига хос тарзда ривожланади.

Тармоқлар ўртасидаги нисбатларнинг шаклланишига мамлакатнинг табиий-географик жihatдан жойлашуви ҳам катта таъсир кўрсатади. Жумладан, табиий шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакатларда (масалан, Япония) саноат яхши ривожланса, хизмат кўрсатиш ва бошқа ресурсларни кам сарфловчи тармоқлар, арзон ишчи кучи мавжуд мамлакатларда қўл меҳнати билан боғлиқ соҳалар, унумли, серхосил тупроқ, мўтадил иқлим, етарли сув

ресурсларига эга бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш кенг ривожланади.

Миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг шаклланишига нафақат ички омиллар таъсир қилиши билан бирга, ташқи омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Агар ташқи иқтисодий алоқалар мавжуд бўлмаганида тармоқлар ўртасида умуман бошқа кўринишдаги ва даражадаги мутаносиблик вужудга келган бўлар эди.

Мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ва ташқи иқтисодий алоқалардаги иштироки ҳам кўп жihatдан уларнинг иқтисодий ресурслар билан таъминланишининг нотекислигига боғлиқ. Жумладан, «табiiй ресурслар мамлакатлар ўртасида ўта нотекис тақсимланган. Фақатгина 20-25 мамлакат минерал хом ашёнинг қандайдир бирор турининг 5 фоиздан ортиқроғига эга. Жаҳоннинг бир неча йирик мамлакатларигина (Россия, АҚШ, Канада, Хитой, ва Австралия) унинг кўплаб турларига эга.

Деярли ҳеч бир мамлакат замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган барча турдаги минерал хом ашё захираларига эга эмас, уларни импорт қилмасдан хўжалик юрита олмайди. Масалан, Россия ўзида мавжуд бўлган минерал ресурсларнинг турли-туманлиги ва миқдорининг катталигига қарамай, боксит, қалай, марганецни катта ҳажмда импорт қилишга мажбур. АҚШ фақат мавжуд минерал хом ашёларнинг 22 тури бўйича ўз эҳтиёжларини таъминлайди холос, айна пайтда уран, волфрам, хром, марганец каби хом ашёларни импорт қилишга мажбур. Умуман олганда АҚШ ўзларига керакли минерал хом ашёнинг 15-20 фоизини (қиймат кўринишида) импорт қилади. ЕИга аъзо мамлакатлар истеъмол қилинаётган минерал хом ашёсининг 70-80 фоизини, Япония 90-95 фоизини четдан олиб келади». Бундан кўринадики, ўзида нисбатан етарли бўлган хом ашё ва кам харажат сарфлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорти, тақчил ресурс ва маҳсулотларнинг импорти ўз навбатида миллий иқтисодиётнинг тармоқлар ўртасидаги нисбатига катта таъсир кўрсатади.

Тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг ахамияти у бажарадиган қуйидаги вазифалар орқали намоён бўлади:

- 1) миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;
- 2) турли эҳтиёжларнинг мумкин қадар кенгроқ доирасини қондириш имкониятини яратувчи товарлар ва хизматлар хажми ва таркибини кенгайтириш;
- 3) ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- 4) иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш;
- 5) иқтисодиётнинг самарали ва оптимал таркибий тузилмасини шакллантириш;
- 6) иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва х.к(40).

Узоқ йиллар давомида иқтисодий фанда миллий иқтисодиётнинг таркиби асосан моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш сохаларига ажратиб ўрганилиб келинди. Қиймат фақат ишлаб чиқариш соҳасида яратилади деб, хизмат кўрсатиш соҳасининг ахамияти умуман эътироф этилмади. Бу эса кўпгина мамлакатларда моддий ишлаб чиқаришга устуворлик қаратилиб, хизмат кўрсатиш соҳасининг эътибордан четда қолиши ҳамда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига олиб келди.

Умуман олганда аксарият мамлакатлар иқтисодиёти тармоқлари ўртасидаги мутаносибликларнинг шаклланиши табиий-эволюсион йўл билан борди. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг дастлабки босқичларида энгил саноат тармоқлари устувор равишда ривожланиб, кейин оғир ва машинасозлик саноати тармоқлари ривожлана бошлади. Дастлабки даврда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмаси ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмасига нисбатан, моддий ишлаб чиқариш соҳаси хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан устуворликка эга бўлганлиги ҳам бунинг яққол ифодасидир.

Умумиктисодий ривожланиш қонуниятларига кўра инсон энг аввало юқори даражадаги заруратни намоён этувчи, яъни моддий-физиологик эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади. Шунга кўра у дастлаб табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлган неъматлардан фойдаланган. Бироқ, кишилик жамиятининг ривожланиши ва эҳтиёжларнинг ўсиб бориши фақат мавжуд неъматлар истеъмоли билан чекланиб қолмай, балки табиат ашёларини ўзгартириб, эҳтиёжга мос ҳолдаги ва ҳажмдаги маҳсулотларни тайёрлаш заруратини келтириб чиқарди. Кейинчалик товар-пул муносабатлари ҳам дастлаб айнан моддий ишлаб чиқариш соҳасида пайдо бўлиб, унинг ривожланиши учун қулай шароит яратди. Бироқ, моддий ишлаб чиқаришнинг кейинги тараққиёти кўп жihatдан хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ҳам боғлиқ эди.

Агар моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тарихий негизларига разм солинса, дастлабки ибтидоий хўжаликдаги овчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш моддий ишлаб чиқариш соҳасига, болалар парвариши, яшаш шароитини таъминлаш (оловни сақлаб туриш, яшаш жойларининг озодалигини таъминлаш ва х.к.), озуқа захираларини сақлаш, беморларни даволаш ва бошқалар хизмат кўрсатиш соҳасига асос солган.

Ҳозирда хизмат кўрсатиш соҳасининг устун ривожланиши қуйидаги сабабларга асосланади:

- 1) ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида асосий эътиборнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилиши;
- 2) хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятининг нисбатан кенглиги.
- 3) моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бўшаган ортиқча ишчи кучининг хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиши;
- 4) ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши;
- 5) моддий ишлаб чиқариш соҳаси технологик даражасининг юксалиши

хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнат салоҳиятининг ўсишига олиб келиши.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Чунки, барчамизга маълумки, собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимида мамлакатимиз фақат қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини етиштириб беришга ихтисослаштирилган аграр республикага айланиб қолган эди. Унда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши жуда паст даражада бўлиб, деярли барча саноат маҳсулотлари бошқа республикалардан келтирилар эди. Бу эса мамлакатимизда тармоқлар ўртасидаги фаолиятлар ва маҳсулотларнинг меъёргади алмашинуви ва ҳаракатига тўсқинлик қилиб, айниқса собиқ тизим парчалангандан кейин жиддий оқибатларни келтириб чиқарувчи муаммолар пайдо бўлди. Шунга кўра, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган иқтисодий вазифалардан бири – қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги оптимал мутаносибликни таъминлашдан иборат эди. Бунинг учун эса саноат тармоғини, айниқса унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларини устувор равишда ривожлантириш керак эди(80).

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилган чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқаришининг жадал равишда ўсишига олиб келди.

2012-2015 йиллар мобайнида саноат яхлит ҳолда олинган республика иқтисодиётига қараганда юқорироқ суръатларда ўсмоқда. Бундай таркибий ўзгаришлар натижасида республикада саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ўзгариб бормоқда.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРМОҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ХОЛАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Миллий иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати ва муаммолари

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари ўртасидаги нисбатларнинг мутаносиблигини таъминлаш лозим бўлади.


Миллий иқтисодиёт иккита катта соҳага бўлинади: моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари. Ҳозирги даврда улар ўртасида номутаносиблик мавжуд бўлиб, моддий ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги улуши 40,3 фоизни, хизмат кўрсатишнинг улуши 52 фоизни, маҳсулот ва экспорт-импорт муомалаларига соф солиқлар 7,7 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 60-75 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Бунда албатта моддий ишлаб чиқариш соҳаси ривожланиб, оз киши билан талабни бемалол қондира оладиган даражага бориши керак, меҳнат унумдорлиги юксак бўлиши лозим.

Илгари иқтисодиёт, асосан, моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларидан иборат деб тушунилар эди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасига моддий маҳсулотлар ва неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар кирган. Улар жумласига саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари, қурилиш, юк ташувчи транспорт ва бошқалар кирган. Номоддий соҳага аҳолига номоддий, маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлар, чунончи, фан ва унга хизмат кўрсатиш, маориф, соғлиқни

сақлаш, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, йўловчилар ташувчи транспорт, аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа ва савдо каби тармоқлар кирган. Иқтисодиётнинг бундай тузилиши моддий ишлаб чиқаришнинг устуворлиги нуқтаи назарига асосланган.

Кейинги йилларда моддий ва номоддий соҳаларида хизмат кўрсатиш тармоқларининг ўрни борлигига ҳам эътибор берилмоқда. Шу боисдан рус олими Е.Борисов ва ўзбек олимаси Д.Тожибоеваларнинг ўқув қўлланмаларида иқтисодиётнинг таркибий тузилиши берилган. Унда моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда шунга монанд тарзда моддий ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳалари берилган.



2.1-расм. Замонавий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши

Миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларида хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим рол ўйнайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши оқибатида вужудга келиб, аҳоли

истеъмоли хажмининг ўсиши билан боғлиқ равишда тараққий эта бошлади(40).

Капитализм ривожланишининг дастлабки босқичларида ишлаб чиқариш, асосан, моддий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган эди. Дастлабки капитал жамғариш ва саноат революциялари шароитида енгил саноат тармоқлари устувор равишда ривож топди. Ундан сўнг оғир ва машинасозлик саноати тармоқлари ривожлана бошлади. Дастлабки даврда моддий маҳсулот шакли истеъмол буюмлари бўлиб, кишиларнинг истеъмолини қондиришга йўналтирилган. Бу даврда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмаси ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмасига нисбатан устуворликка эга бўлган. Шунингдек, моддий ишлаб чиқариш соҳаси хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан устиворлик берилган. Кейинчалик эса ишлаб чиқариш воситалари бозорининг кенгайиб бориши сабабли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмасининг ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги улушлари орта борган. XX асрнинг ўрталарига келиб, ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳалари тараққий эта бошлади.

Собиқ СССРда индустрлаштириш амалга оширилиб, харбий саноат комплексига хизмат кўрсатувчи оғир индустрия тармоқларига устуворлик берилган эди. Шунинг учун ҳам истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш анча чекланган эди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳам ривожланиши орқада қолди. Айниқса, ижтимоий хизмат кўрсатиш «қолдиқ» тамойили асосида амалга ошириларди. Шунинг учун ҳам истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлими ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиёт ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутмас эди.

Оқибатда бир томонда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохалари ўртасида, иккинчи томонда эса ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида номуносивбликлар вужудга келди.

Фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш сохаларининг ҳамда истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш тармоқларининг устувор равишда ривожланишини таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш сохаларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги ҳамда жами таклиф билан жами талаб ўртасидаги вақти-вақти билан вужудга келадиган зиддият, номуносивблик ва номувофиқликдир.

Инглиз олими Жон Мейнард Кейнс назариясига кўра, ишлаб чиқариш ва истеъмол жами талаб ва жами таклиф ўртасидаги фарқни, зиддиятни мувофиқлаштириш учун давлат ва хусусий секторда инвестицион фаолликни рағбатлантириши лозим бўлади. Мультипликацион самара асосида инвестициялар оқибатида ўсаётган даромадлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг мувозанатлашувини таъминлаши керак. Кейинчалик кейнсчилар хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни алоҳида таҳлил қилганлар (44).

XX асрнинг 40-йилларидаёқ инглик олими К.Кларк ва француз социологи Ж.Фурасте жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида индустриал тармоқларга нисбатан хизмат кўрсатиш сохаларининг устувор йўналишини асослаб бердилар.

Уларнинг қарашларига мувофиқ, саноатнинг ишлаб чиқарувчилар

тармоқларида ишлаб чиқариш хажмининг кенгайиши, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва унинг кооперациялашуви оқибатида меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши қонуни амал қилади. Бундан қуйидаги муҳим оқибатлар келиб чиқади:

Биринчидан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши оқибатида ушбу тармоқларда банд бўлган аҳолининг иш ҳақи, даромадлари ҳам тез ўсиб боради.

Иккинчидан, ушбу тармоқлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан бозор тўйинади, шунингдек, аҳоли даромадларининг ўсиши натижасида уларнинг моддий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилади.

Учинчидан, моддий маҳсулотларга бўлган талаб юқори даражада қондирила бориши оқибатида аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари ўсиб боради. Талабнинг таркибий тузилишида ҳам ўзгаришлар юз беради. Турли туман хизмат турларига бўлган талаб ўсиб боради.

К.Кларк ва Ж.Фурастеларнинг фикрларига кўра, аграр хом ашё секторида меҳнат унумдорлигининг пасайиб бориши тенденцияси юз беради. Бунинг оқибатида ушбу тармоқларда даромадлилик пасайиб боради. Шунинг учун ҳам ушбу соҳада банд бўлган аҳолининг бир қисми бошқа соҳаларга, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўта бошлайдилар(45).

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат унумдорлиги нисбатан ўзгармас ёки секин ўсиш тамойилига эга. Бунга хизмат кўрсатишнинг индивидуаллиги ҳамда қўл меҳнатига асосланганлигидир. Хизмат кўрсатиш хажмининг ўсиши, асосан, унинг турлари кўпайиши ҳисобига амалга ошади.

Ушбу тенденциялар хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига таъсир қилади. Бу соҳада кичик тадбиркорликнинг ривожланишига ҳамда иш билан банд аҳолининг кўпайишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омил эҳтиёжларнинг ўсиб боришидир. Инсонларнинг яшаши, ҳар томонлама

камол топиши учун зарур бўлган барча неъматлар уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ташкил этади. Алфред Маршалл немис иқтисодчиси Герменнинг фикрига асосланиб, эҳтиёжларни абсолют ва нисбий, минимал ва максимал даражадаги эҳтиёж, қондирилиши зарур ва қондирилишини кечиктирса бўладиган, бевосита ва билвосита қондириладиган эҳтиёжларга бўлади. Шунингдек, уларни бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларга ҳам бўлишади. Бирламчи эҳтиёжларга инсоннинг энг зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва шунга ўхшаш эҳтиёжлари, иккиламчи эҳтиёжларга эса инсоннинг маънавий, интеллектуал фаолияти билан боғлиқ бўлган билим олиш, санъат, турли кўнгилочар тадбирларга қатнашиш каби эҳтиёжларни келтириш мумкин.

Моддий эҳтиёжлар бирламчи эҳтиёжлар бўлиб, уларнинг қондирилиши даражасининг ўсиши ва юқори кўрсаткичга эга бўлиши натижасида хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ўса боради.

Хизматларга бўлган талабнинг ўсишига меҳнат унумдорлигини таъминлаш зарурати ҳам таъсир қилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни технологик жихатдан таъминлаш ва ходимлар, ишловчиларнинг малакасини юқори даражага кўтариш лозим бўлади. Юқори малакали ишловчилар эса юқори иш ҳақи оладилар. Демак, юқори иш ҳақи, даромад билан юқори билим даражаси ўртасида боғлиқлик мавжуд. Билим ва малака даражасини ошириш учун эса хизмат турларига талаб ортади. Чунки ишчи кучини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун таълим, соғлиқни сақлаш, маданий, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш турларига талаб ҳам орта боради.

Саноат ишлаб чиқаришнинг юқори технологик даражада ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнат салоҳиятининг ўсишига олиб келади. Ушбу омиллар таъсирида ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳалари тараққий этиб борди. АҚШда хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1980 йилда 58,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 70,0 фоизни, 2014 йилда 77 фоизга этди. Шунга мувофиқ равишда саноат ва қурилишнинг

ЯИМдаги улуши шу даврда 34 фоиздан 22 фоизга тушиб қолди (қаранг 2.1-жадвал).

2.1.-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ЯИМ таркибий тузилишининг ўзгариши, фоизда

Мамлакатлар	Йиллар	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизмат кўрсатиш соҳаси
АҚШ	1980	4	34	58
	1990	3	30	62
	2000	2	28	70
	2014*	1	22	77
Япония	1980	13	37	45
	1990	5	32	53
	2000	2	32	60
	2014*	1	30	68
Германия	1980	6	46	40
	1990	2	38	51
	2000	2	34	59
	2014*	1	30	69
Франсия	1980	9	40	43
	1990	5	30	60
	2000	3	24	68
	2014*	2	21	77

*Изоҳ: 2014 йил маълумотлари “Селестед Ворлд Девелопмент Индисаторс” 2015 дан олинган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улушлари камайиб бормоқда. Ҳозирги даврга келиб, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ички маҳсулоти улушлари ривожланган мамлакатларда 60-75 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлана бошлади. Бу, асосан, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш хажмининг ўсиши ҳисобига юз берди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кўплаб хизмат турларининг тижорат асосида ташкил этилиши, кўпчилигининг хусусийлаштирилиши хизмат кўрсатиш соҳасида бизнес ва

тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келади. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг сезиларли даражада ривожланиши кузатилмоқда. Айниқса, ушбу соҳанинг ЯИМ таркибидаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

2.2 - жадвал

Ўзбекистонда ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби, фоизда

	Йиллар									
	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноат	21,8	21,0	23,5	23,6	23,5	23,6	23,9	24,2		
Қишлоқ хўжалиги	25,1	23,2	19,7	18,6	19,7	18,6	18,0	17,8		
Қурилиш	5,1	5,9	5,6	6,8	5,6	6,8	6,5	6,1		
Хизмат соҳаси тармоқлари	37,9	39,8	41,3	41,4	41,3	41,4	42,4	43,5		54,5
Соф солиқлар	10,1	10,1	9,6	9,6	9,9	9,6	9,2	8,6		

Жадвалдан кўринадикки, мамлакатимиз ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2014 йилдаги 53,6 фоиздан 2015 йилда 54,5 фоизга етган. Саноат тармоғининг улуши тегишли равишда 15,8 фоиздан 24,0 фоизга етган. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши 38,4 фоиздан 17,5 фоизга тушган. Иш билан банд бўлганларнинг тармоқлар бўйича бандлигини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш билан банд бўлганлар таркибини таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлаш имконини берди:

- қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлганлар улуши йилдан йилга камайиб бориши ижобий тенденция бўлиб, бу хол ортиқча, унумсиз иш билан банд бўлганларнинг иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ўтаётганлигидан далолат беради;

- бу маълумотлар ҳамон қишлоқ хўжалигида ортиқча, унумсиз иш билан бандлигининг мавжудлигини кўрсатмоқда;

- саноатда иш билан бандларнинг умумий сони ва улуши ўсиб бормоқда. Бу ҳол ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушининг ўсиб бориши билан боғлиқ равишда содир бўлмоқда;

- аҳоли иш билан бандлигининг тармоқ тузилиши иқтисодиёт тармоқ тузилишини ва ундаги номутаносибликларни ҳамда таркибий ўзгаришлар тенденциясини ифодалайди.

2.3-жадвал

Ўзбекистонда иш билан банд бўлганларнинг тармоқлар бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Жами банд бўлганлар Шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	31,9	30,7	29,1	28,1	27,9	27,5	25,6	26,9	27,2	26,7
Саноат	12,8	13,0	13,2	13,4	13,5	13,5	13,4	13,2	13,1	13,0
Транспорт ва алоқа	4,5	4,6	4,8	4,8	4,9	5,0	5,1	5,2	5,2	5,2
Қурилиш	8,0	8,2	8,3	8,4	8,5	8,6	8,9	9,2	9,2	9,3
Савдо ва хизмат, умумий овқатланиш	8,5	8,7	8,9	9,3	9,8	10,3	10,5	10,7	10,8	10,9
Коммунал хизмат	3,0	3,0	3,1	3,2	3,2	3,3	3,4	3,4	3,5	3,5
Соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва спорт	6,8	7,0	7,2	7,3	7,5	7,6	7,6	7,7	7,6	7,6
Таълим, маданият ва саноат, илм-фан соҳаси	13,1	13,3	13,6	13,7	13,8	13,9	13,9	13,8	13,7	13,4
Молия, кредит ва суғурта идоралари	0,5	0,5	0,5	0,5	0,6	0,5	0,5	0,6	0,6	0,5
Бошқа тармоқлар	10,9	11,0	11,3	11,3	10,3	9,8	11,1	9,3	9,1	9,9

Ушбу маълумотлар хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан бандликнинг, шунингдек, иқтисодиётдаги ўрни ва ролининг ўсиб бораётганлигини ҳам

кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги нисбатларнинг номутаносиблиги экспорт ва импорт таркибида ҳам номутаносибликларни келтириб чиқарган.

Демак, бу кўрсаткичлар иқтисодиётда тармоқлар ўртасидаги ҳамон номутаносибликлар сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Миллий иқтисодиёт таркибий тузилишидаги туб ўзгаришлар ҳамда мавжуд номутаносибликларни мамлакатнинг экспорт ва импорт таркибидаги номутаносибликларда ҳам кўриш мумкин.

Ташқи савдо салдоси ижобий бўлгани билан иқтисодиётнинг хом ашёга йўналтирилганлик даражасининг юқорилигини кўрсатмоқда. Пахта толасининг экспортдаги улуши 2 баробардан зиёдга камайган. Озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш 2 баробарга кўпайган.

Импорт таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. Унинг таркибида кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар улушининг ўсиб бориши миллий иқтисодиёт таркибий тузилишида ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигини кўрсатади. Аммо импорт таркибида ҳамон машина-ускуналар ва тайёр маҳсулотлар улушининг юқорилиги иқтисодиёт тармоқ тузилишида ҳамон жиддий номутаносибликларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Иқтисодиёт сохалари, тармоқлари ўртасидаги нисбатларнинг номутаносиблигига барҳам бериш, уларнинг мутаносиблигини таъминлаш барқарор иқтисодий ўсишга замин яратади. Бунинг учун миллий иқтисодиёт таркибий тузилишида тубдан, чуқур ўзгартиришларни узлуксиз давом эттириш лозим бўлади.

2.2. Республикамизда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатининг таҳлили

Ҳозирги шароитда иқтисодийни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мавжуд ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни тақозо этади. Ўз навбатида, ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлаш иқтисодийнинг турли даражаларидаги мутаносибликларнинг таъминланишига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, иқтисодий мутаносиб ривожлантириш орқали барқарор ўсишни таъминлаш иқтисодийнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигининг таъминланганлиги миллий иқтисодий салоҳиятидан, ички ва ташқи ривожланиш имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилаётганлигини англатади. Демак, бундай иқтисодийнинг турли таркибий қисмлари ўртасида узвийлик таъминлаган ва иқтисодий мутаносибликлар тўғри шакллантирилган ҳисобланади.

Президентимиз И. Каримов кейинги йиллардаги барча маърузаларида мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришишда мутаносибликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб, «Биз бугун 2015-йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз», - деб таъкидлаб ўтганлар.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодий ислохотлар орқали аста-секин муҳим тармоқлар ва соҳалар ўртасидаги мутаносибликларнинг шакллантирилиши республика ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, 2004 йилдан буён ушбу кўрсаткич барқарор равишда

олдинги йилга нисбатан 7 фоиздан юқори даражани сақлаб келмоқда ва 2015 йилда 8,0 фоизни ташкил этди. Шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг нафақат миқдоран ўсиб бориши, балки таркиб жихатидан такомиллашиб бораётганлигини ҳам таъкидлаш лозим (37).

Республикамизда фан-техника тараққиётининг янги ютуқлари асосида иқтисодий эркинлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш дастури ишлаб чиқилган ҳамда изчил амалга ошириб борилмоқда. Иқтисодий модернизациялаш корхоналарнинг асосий капиталини оммавий равишда янгилашга йўналтирилиб, бу жараён молиялаштиришнинг қўшимча, ахамиятли ва ишончли манбаларини тақозо этади. Бу энг аввало жадаллаштирилган амортизация ҳамда аҳоли жамғармасининг миллий даромаддаги улушининг оширилиши ҳисобига ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришнинг ички манбаларини сафарбар этилишини, шунингдек, хорижий капитал ва янги замонавий технологияларнинг жалб этилиши, қўшма корхоналарни хар томонлама ривожлантириш, уларнинг фаолият кўрсатиши учун нисбатан қулай шарт-шароитларни яратиб бериш сиёсатининг давом эттирилишини англатади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий сиёсатнинг тўғри ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодийнинг деярли барча тармоқлари сезиларли даражада ривожланмоқда. Индустриал ривожланган мамлакатлар томонидан олиб борилган таркибий сиёсат тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, республикамиз ҳукумати томонидан яқин келажакда иқтисодийнинг асосий локомотивига айланиши лозим бўлган нефт-газ, электротехника, авиация, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, автомобилсозлик саноатлари устувор тармоқлар сифатида белгилаб берилди.

Бундай барқарор ўсишга эришишда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликлардан қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги мутаносиблик муҳим ўринга эга ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги саноат маҳсулотларининг асосий хом ашё базаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ва

саноат тармоқлари махсулотлари йиллар давомида ўсиб бормоқда. Лекин уларнинг ўсиш даражаларидаги фарқлар натижасида икки тармоқ ўртасида тафовутлар пайдо бўлмоқда.

2.4-жадвал

Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик

Йил	Саноат махсулоти, млрд. сўм	Саноат махсулоти-нинг ўсиш суръати, олдинги йилга нисбатан, %	Саноат махсулоти-нинг ўсиш суръати, 2014 йилда тегишли йилларга нисбатан, марта	Қишлоқ хўжалик махсулоти, млрд. сўм	Қишлоқ хўжалик махсулоти-нинг ўсиш суръати, олдинги йилга нисбатан, %	Қишлоқ хўжалик махсулоти-нинг ўсиш суръати, 2014 йилда бошқа йилларга нисбатан, марта	
2005	6127,5	136,3	8,3	4083,3	125,4	6,0	1:0,67
2006	8123,2	132,6	6,3	4615,8	113,0	5,3	1:0,57
2007	11028,6	135,8	4,6	5978,3	129,5	4,1	1:0,54
2008	14640,3	132,7	3,5	7538,8	126,1	3,2	1:0,51
2009	18447,6	126,0	2,8	9304,9	123,4	2,6	1:0,50
2010	23848,0	129,3	2,1	11310,7	121,6	2,2	1:0,47
2011	28387,3	119,0	1,8	13628,6	120,5	1,8	1:0,48
2012	34499,1	121,5	1,5	16774,7	123,1	1,5	1:0,49
2013	42158,8	122,2	1,2	21422,3	127,7	1,1	1:0,51
2014	51059,3	121,1	1,0	24370,3	113,8	1,0	1:0,48

Жадвалдан кўринадикки, 2014 йилда саноат махсулоти 2005 йилга нисбатан 8,3 марта, қишлоқ хўжалик махсулоти еса 6 марта ўсган. Агар 2005 йилда саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ўртасидаги нисбат 1:0,67 ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 1:0,50, 2014 йилда 1:0,48 ни ташкил этган.

Бундай ўсишлар натижасида саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлайдиган 1 фоиз бандларга тўғри келадиган ЯИМ улушидаги фарқ катталашиб бормоқда.

Яратилаётган ЯИМни саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича улуши ҳамда уларнинг банд бўлганларга тўғри келадиган улушини ўрганадиган бўлсак, ўзига хос номуносивбликни кўришимиз мумкин(2.5-жадвал). 5-жадвалдаги

маълумотларни тахлили асосида айтишимиз мумкинки, 2014 йилда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 13 фоизи саноатга, 27,2 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Банд бўлганларнинг улуши саноатда 2014 йилда 2004 йилга нисбатан ортиб борган бўлса, қишлоқ хўжалигида эса, аксинча, камайиб борган.

2.5-жадвал

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган ишчи кучи ва ЯИМ ўртасидаги муносаббат ҳолати

	Саноат			Қишлоқ хўжалиги		
	Банд бўлганлар улуши	ЯИМ улуши	1 фоиз банд ишчи кучига тўғри келадиган ЯИМ улуши	Банд бўлганлар улуши	ЯИМ улуши	1 фоиз банд ишчи кучига тўғри келадиган ЯИМ улуши
2004	12,7	14,5	1,14	32,6	30,1	0,92
2005	12,8	15,8	1,23	31,9	28,4	0,89
2006	13,0	17,5	1,35	30,7	26,4	0,86
2007	13,2	21,1	1,60	29,1	26,3	0,90
2008	13,4	21,8	1,63	28,1	25,1	0,89
2009	13,5	21,0	1,78	27,9	23,0	0,78
2010	13,5	23,0	1,70	27,5	18,9	0,69
2011	13,4	23,6	1,76	26,7	18,2	0,68
2012	13,2	23,9	1,81	25,2	17,5	0,69
2013	13,1	24,1	1,84	27,2	17,6	0,64
2014	13,0	24,0	1,85	27,2	17,5	0,64

Яна бир эътиборли жихати, бир фоиз банд бўлган ишчи кучига тўғри келадиган ЯИМ улуши саноатда 2004 йилдаги 1,14 фоиздан 2014 йилда 1,85 фоизга ортиб борган бўлса, қишлоқ хўжалигида эса бу кўрсаткич мос равишда 0,92 фоиздан 0,64 фоизгача камайиб келган. Бу эса саноат ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ўртасида ЯИМ яратишда ўзига хос муносаббат мавжудлигини кўрсатади(96).

Бундан ташқари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экинлари учун зарур бўлган минерал ўғитлар хажми билан уларни ишлаб чиқариш хажми ўртасида номувофиқлик мавжуд.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик техникалари ва минерал ўғитларининг керакли миқдорда етказиб берилмаслигининг асосий сабабларидан бири – уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги техникалар ва минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси замон талабидан орқада қолди. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз Президенти И.Каримов, «Чопиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер хайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини 2.6-жадвалдан кўринадики, 2012 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан йиллик ўртача фойдаланиши даражаси тракторлар бўйича 20,9%, култиваторлар – 34,7%, сеялкалар – 19,1%, минерал ўғитлар – 83,9% ни ташкил этган. Ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларидан фойдаланишнинг бундай даражаси билан ушбу маҳсулотларга бўлган талабни қондириш мумкин эмаслиги тушунарли ҳолдир.

2.6-жадвал

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси (йиллик ўртача фоиз ҳисобида)

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Тракторлар	22,4	23,9	23,9	23,9	19,6	20,3	22,8	20,9	14,4	16,3
Култиваторлар	18,8	24,12	26,0	25,9	25,2	53,2	61,2	34,7	8,8	9,8
Сеялкалар	5,2	95,1	53,5	37,4	39,5	68,4	23,2	19,1	49,3	94,0
Минерал ўғитлар	49,1	57,7	64,6	75,0	84,2	83,8	85,1	83,9	82,7	91,9

Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз вақтида сотилиши ва қўшимча даромад олинишини таъминлашнинг муҳим йўналиши – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳисобланади. Бу қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўз вақтида сотилиши;
- уларнинг омборларда туриб қолиб, сифатининг бузилиши ва нобуд

бўлишининг олдини олиш;

- махсулотларни омборларда сақлаш харажатларининг қисқариши;
- қишлоқ хўжалик махсулотларига талабнинг ошиши натижасида нарх ҳамда тегишли равишда рентабелликнинг юқори даражасини таъминланиши;
- қишлоқ хўжалик махсулотларининг тайёр саноат махсулотига айланиши билан улардаги қўшилган қиймат хажмининг ошиши ва х.к(98).

Бироқ, бундай имкониятларни қўлга киритиш учун қишлоқ хўжалиги ва унинг махсулотларини қайта ишлаш саноати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур. Чунки, қатор жиддий чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганига қарамай, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги махсулотлари, айниқса, пилла, жун, тери, пахта ва бошқаларни етиштириш ва улардан тайёр махсулот ишлаб чиқариш ўртасида номутаносиблик сақланиб қолмоқда. Жумладан, пахта хом ашёсининг 34%, меваларнинг 17%, сабзавотларнинг 12%, полиз экинларининг 7%, узумнинг 25%, терининг 28%, жуннинг 17%, гўштнинг 27%, сутнинг 7% саноатда қайта ишланмоқда холос.

Афсуски, бугунги кунда қайта ишлаш саноат корхоналарини ташкил этиш жараёни етарли даражада бормаяпти. Аксинча, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи мавжуд қувватларнинг йиллик ўртача фойдаланиши ҳам талаб даражасида эмас .

Бундан кўринадики, мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг аксарияти мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланаётганлари йўқ. Бу эса, хали қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишловчи янги корхоналар барпо этмасдан, мавжуд қувватлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш хажмини сезиларли даражада ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Юқорида баён этилган фикр-мулохазалардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги

мутаносиблик хали етарли даражада эмас. Мақсадимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш экан, биринчи навбатда унга моддий-техника воситалари етказиб берувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларнинг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАРМОҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиётда долзарб муаммоси сифатида қаралиб келинади. Айниқса, ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала – барқарор иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Лекин, турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар ёки ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг босқичларида жамиятнинг шу даврдаги асосий мақсадидан келиб чиқиб, самарадорликнинг мазмуни ва мезони ўзгаради.

Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг бош мезони ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Айрим олимлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мезони фойда, бошқа бирлари эса ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, учинчилари миллий даромад, тўртинчилари эса қўшимча маҳсулот деб кўрсатадилар. Биз бу ўринда санаб ўтилган фикрларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида батафсил тўхтолмаймиз, лекин шуни айтиш керакки, кўпчилик олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида самарадорликнинг бош

мезони олинган фойданинг харажатларга нисбати, яони рентабеллик ёки фойдалилик даражаси билан белгиланади деб тан олинади. Хақиқатан ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли иқтисодиётнинг ҳар бир бўғини кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурслар қиймати (ИХ) нисбатининг фойдадаги ифодаси билан аниқланади ва у фойда нормаси ёки рентабеллик деб аталади.

$$P' = \frac{\Phi}{ИХ} \times 100\%$$

бу ерда: Ф – фойда нормаси;
ИХ – иқтисодий ресурс сарфлари.

Фойда нормаси ва рентабеллик икки усулда: олинган фойда миқдорининг сарфланган умумий капиталга (асосий ва айланма фондларга) ёки ишлаб чиқаришга сарфланган жорий харажатлар (таннарх)га нисбати билан аниқланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, бу айtilган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ифодалашда унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларнинг самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун энг аввало олинган фойда миқдорида эътибор берамиз (3.1-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 2005-2014 йиллар давомида бутун иқтисодиётда ва кўпгина тармоқларда олинган фойда миқдори асосан ошиб бориш тенденциясига эга. Фақатгина қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини зарар ёки паст фойда билан якунланган.

Қишлоқ хўжалигида олинган фойда миқдорининг пастлиги ёки зарар

кўриши кўп жихатдан тармоқдаги мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш ҳамда турли омиллар ўртасидаги мутаносиблик даражасининг пастлиги билан боғлиқ.

3.1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари бўйича олинган фойда, зарар , млрд. сўм

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Фойда – жами	657,7	1032,5	1837,2	1837,4	3202,4	4557,7	6025,7	5956,1	7725,4	7699,8
Шу жумладан:										
Саноат	354,5	618,2	1246,7	1063,3	2178,6	2969,1	3820,6	3197,8	3631,3	4609,8
Қишлоқ хўжалиги	-30,6	-16,4	-48,9	-2,4	23,1	21,1	13,6	43,6	28,5	36,0
Қурилиш	30,7	37,5	43,6	61,2	70,8	43,6	67,2	83,5	89,8	112,0
Транспорт ва алоқа	176,6	271,1	451,3	621,8	787,6	1271,6	1847,5	2149,4	3200,0	2069,4
Савдо ва умумий овқатланиш	60,6	57,9	40,2	73,7	144,9	242,5	218,1	417,4	717,0	850,3

Олинган фойда миқдорининг ошиб бориши албатта ижобий ҳолат бўлиб, маълум даражада самарадорлик ошиб боришини ифодалайди. Лекин унда сарфланган капиталнинг ёки жорий харажатларнинг ҳар биридан қанчалик унумли фойдаланилганлигини билиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам самарадорлик даражаси фойда нормаси кўрсаткичида аниқроқ ўз ифодасини топади. Бу ҳолатни 3.2-жадвалдан кўришимиз мумкин.

3.2-жадвалда мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларида 2005, 2008, 2011 ва 2014 йилларда фойда нормаси олинган фойданинг фондларга ва сотилган маҳсулот таннархига (қилинган харажатларга) нисбатан фоизда аниқланган. Ундан кўриниб турибдики, асосий йилларда ҳам энг юқори самарадорлик транспорт соҳасида сақланган. Бу ерда фойда нормаси 2014 йилда фондларга нисбатан 19,0, таннархга нисбатан 43,5 фоизни ташкил этган бўлса, мос равиша 2014 йилда 16,6 ва 50,0 фоизларни ташкил этган.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 2011 йилда юқўри кўрсаткичга эга бўлган бўлса, 2014 йилда нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлган. Бу ерда фойда нормаси 2011 йилда фондларга нисбатан 73,7, таннархга нисбатан 64,2 фоизни ташкил этган бўлса, мос равиша 2014 йилда 15,4 ва 5,7 фоизларни ташкил этган(102).

Самарадорлик жихатдан кўпчилик ҳоларда қишлоқ хўжалиги, уй-жой хўжалиги, коммунал хўжаликлари, тайёрлов, геология, ер ости бойликларини қидириб топиш, геодезия ва гидрометриология хизмати соҳалари анча паст кўрсаткичга эга бўлмоқда. Бундан ташқари коммунал хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалик соҳалари фойда нормаси кўпчилик ҳолатда ҳар иккала кўрсаткич бўйича ёки зарар билан ёки жуда паст даражадаги рентабеллик билан яқунланган.

3.2-жадвал

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича самарадорлик даражаси (фоиз ҳисобида)

	Самарадорлик даражаси							
	Фондларга нисбатан				Сотилган маҳсулот таннархига нисбатан			
	2005	2008	2011	2014	2005	2008	2011	2014
Жами	5,9	8,3	14,4	12,5	8,4	11,1	19,1	15,1
саноат	6,6	8,1	16,0	15,3	9,1	10,2	20,6	15,0
қишлоқ хўжалиги	-2,5	-0,2	1,4	5,9	-3,3	-0,4	2,2	8,4
қурилиш	12,2	16,1	3,6	5,4	8,2	10,3	4,2	5,5
транспрот	6,3	11,3	19,0	16,6	16,6	24,1	43,5	50,0
алоқа	5,2	12,6	7,5	-27,5	18,1	45,9	21,1	-86,9
геология, ер ости бойликларини қидириб топиш, геодезия ва гидрометриология хизмати	5,9	5,9	2,6	5,0	9,8	9,2	5,2	8,4
моддий-техника таъминоти ва сотиш	5,9	-21,6	13,9	41,9	3,3	-6,0	4,2	7,6
тайёрлов	2,1	2,1	0,2	1,7	4,0	3,7	0,5	0,6
савдо ва	15,3	10,3	16,2	65,5	7,7	4,2	4,8	10,6

умумовқатланиш								
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	9,5	46,8	73,7	15,4	13,3	42,5	64,2	5,7
уй-жой хўжалиги	32,7	1,0	3,4	5,5	12,7	1,6	3,2	3,0
коммунал хўжалик	2,1	-2,1	-5,6	-8,6	3,3	-5,7	-13,9	-19,9

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар қаторига меҳнат унумдорлиги, капитал унумдорлиги кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Меҳнат унумдорлиги деб аниқ меҳнатнинг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади. У икки хил ўлчамда: а) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдориغا нисбати:

$$MU = M/B$$

билан ёки сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдориغا нисбати:

$$MU = B/M$$

билан белгиланади. Бу ерда:

MU – меҳнат унумдорлиги;

M – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

B – сарфланган иш вақти (киши куни, киши соати ва х.к.).

Демак, меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланган меҳнат миқдори билан аниқланади.

Иқтисодий самарадорликни таъминлашда меҳнат унумдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда корхоналардаги меҳнат унумдорлиги бир қатор иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш, жумладан, меҳнат жараёнини ташкил этиш, бошқариш, механизациялаш, автоматлаштириш,

ходимларни моддий рағбатлантириш ва х.к. орқали намоён бўлади. Бу шарт-шароитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ таъминланиши пировардида яратилаётган махсулот ва хизматлар ҳажмининг ўсишига, улар таннархининг пасайишига олиб келади.

Мехнат унумдорлиги даражаси – жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланишининг муҳим кўрсаткичи ҳамда унинг бойлиги, моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлигининг ўлчамларидан ҳисобланади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиши ҳам жонли меҳнат, ҳам ўтган (буюмлашган) меҳнатнинг тежалишини, яъни товар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий-зарурий иш вақтининг пасайишини англатади. Бунда товарнинг ҳар бир бирлигида мужассамлашган жонли меҳнатнинг улуши камаяди, ўтган (буюмлашган) меҳнат улуши эса кўпаяди. Бироқ бу кўпайиш шундай ҳажмларда амалга ошадики, товарда мужассамлашган меҳнатнинг умумий миқдори қисқаради. Бошқача айтганда, меҳнат унумдорлиги иш вақтини тежашни билдиради.

Мехнат унумдорлигининг даражаси ва ўсиш суръати кўплаб омилларга, энг аввало ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш маълум даражада унинг омиллари ўртасидаги мутаносибликни тақозо этади.

Энг аввало бутун иқтисодиёт миқёсида меҳнат унумдорлиги ўртача даражасининг ўсишига эришиш учун қуйидаги жиҳатлар бўйича тармоқлар ўртасида мутаносибликларнинг таъминланиши зарур бўлади:

- ишчи кучи билими, малакаси ва сифатининг муайян касб, лавозим ва иш ўрни бўйича талаб қилинаётган кўрсаткичларга мувофиқлиги;
- меҳнат жараёнларининг тегишли замонавий техника ва технология воситалари билан таъминланганлиги;
- меҳнат тақсимооти, ихтисослашув ва кооперациялашув даражасининг оптималлиги ва мақсадга мувофиқлиги;

- иқтисодий ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш даражаси.

Мехнат унумдорлигининг аниқ даражаси ҳар бир ишловчи ишчи, ишланган бир киши куни, бир киши соати ҳисобига олинган ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, фойда ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланади.

3.3-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида меҳнат ва капитал унумдорлиги кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

Йиллар	Ялпи ички маҳсулот, млрд.сўм	Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	Ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги (ялпи ички маҳсулотга нисбатан), минг сўм	Асосий ишлаб чиқариш фондлари (йил охирига баланс қийматида), млрд.сўм	Капитал унумдорлиги, сўм
2005	9844,0	9589,0	1026,6	12685,8	0,78
2006	12261,0	9910,6	1237,2	15102,2	0,81
2007	15923,4	10196,3	1561,7	18545,4	0,86
2008	21124,9	10467,0	2018,2	21917,7	0,96
2009	28190,0	10735,4	2625,9	28566,3	0,99
2010	38969,8	11035,4	3531,3	35494,9	1,10
2011	49375,6	11328,1	4247,8	46834,8	1,05
2012	62388,3	11628,4	5365,1	58019,9	1,08
2013	78764,2	11919,1	6608,2	70940,5	1,11
2014	96589,8	12223,8	7901,8	87323,1	1,11

Мамлакатимиз иқтисодиётида меҳнат унумдорлиги даражасининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йиллар ичида (2005-2014 йиллар) бу кўрсаткич муттасил ўсиб бориш тенденциясига эга (3.3-жадвал). Агар 2005 йилда ҳар бир ишлаган ишчига тўғри келадиган ЯИМ 1026,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 7901,8 минг сўмни ташкил этиб 7,7 баробар ошган. Бу жуда катта ижобий ўзгариш бўлиб, меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллардан унумли фойдаланилганлигини ифодалайди(102).

Кўплаб иқтисодий адабиётларда иқтисодий самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилиши, уни ишлаб

чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда миқдори билан аниқланиши кўрсатилган.

Яъни:

$$КУ = М / К; \quad КУ = МД / К; \quad КУ = Ф / К.$$

бу ерда:

КУ – капитал унумдорлиги;

К – ишлаб чиқаришда қатнашган капитал миқдори;

М – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

МД – ялпи даромад;

Ф – фойда.

Капитал унумдорлиги тахлили шуни кўрсатадики, (3.3-жадвал) ҳар бир сўм сарфланган капитал ҳисобига олинган ЯИМ 2005 йилда 0,78 сўмни ташкил қилган бўлса, дан 2014 йилда 1,11 сўмга етган.

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, энергия сиғими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган, ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан ҳамбарчарс боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1) фан-техника тараққиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини зудлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

2) ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

3) иқтисодиётнинг таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

4) ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг фаоллигини ошириш;

5) мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хом ашё ва энергия турларини, экинларнинг янги хосилдор навларини, чорва молларининг махсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

6) кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш;

7) ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда қатнашган омилларнинг бирига мутаносиблиги ва мувозанатлилиги(73).

Булар ичида мутаносиблик ва мувозанатлик омили ҳозирги кунда республикаимиз учун долзарб ва муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий номутаносибликлар ишлаб чиқариш натижаларининг паст бўлишига ёки йўқотишлар рўй беришига олиб келади. Бунга яққол мисол тариқасида мамлакатимиздаги пахта хом ашёсини етиштириш ҳамда уни саноат корхоналарида қайта ишлашнинг турли даражалари ўртасидаги номутаносибликни келтириш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи ўринни ва унинг экспорти бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Хар йили Ўзбекистонда тахминан 3,4-3,6 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилиб, ундан 1-1,2 млн. тонна пахта толаси олинади ва унинг 75 фоизга яқини экспортга жўнатилади.

Мамлакатимизда йиллар бўйича пахта хом ашёси етиштириш ва ундан тола олиш бўйича тахминий нисбатни статистик маълумотлар асосида ҳисоблаб кўриш мумкин (3.4-жадвал). Бироқ, бу ўринда шуни ҳам назарда тутиш керакки, биринчидан, хар йили етиштирилган пахта хом ашёси шу йилнинг ўзида қайта ишланмаслиги мумкин. Иккинчидан эса, пахта хом ашёсидан тола олиш

даражаси, унинг тоифалари, навлари ва бошқа сифат кўрсаткичларига кўра кескин фарқланади.

3.4-жадвал

Ўзбекистонда пахта хом ашёси етиштириш ва ундан пахта толаси олиш ўртасидаги нисбатлар

			Тола олиш даражаси	
			фоизда	нисбат
2005	2803,3	943,9	33,7	1:0,34
2006	3536,8	977,0	27,6	1:0,28
2007	3728,4	1184,2	31,8	1:0,32
2008	3600,6	1171,2	32,5	1:0,33
2009	3683,4	1124,8	30,5	1:0,31
2010	3400,5	1174,0	34,5	1:0,35
2011	3401,9	1049,5	30,9	1:0,31
2012	3404,0	1118,5	32,8	1:0,33
2013	3500,0	1102,1	31,5	1:0,32
2014	3460,1	1077,8	31,1	1:0,31

Жадвалдан кўринадики, мамлакатимизда пахта хом ашёси етиштириш ва ундан тола олиш бўйича тахминий нисбат ўртача 1:0,3-0,35 ни ташкил этади. Холбуки, пахта хом ашёсининг сифатини яхшилаш ва уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш орқали бу кўрсаткичларни сезиларли даражада ошириш мумкин бўлиб, ҳозирда бу борада ҳукуматимиз томонидан тармоқни техник жихатдан қайта жихозлаш ва модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, 2013 йил янги объектларни қуриш, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича жами 9 та лойиха амалга оширилиб, 2210 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Бу борада, 4 та янги объектларни қуриш лойиҳалари режалаштирилган.

Шу жумладан, Тошкент вилоятидаги “Техтиле Течнологиес Гроуп” МЧЖ хорижий корхонасида лойиха қуввати 6 минг тонна пахтадан йигирилган ип, 7,5 млн.кв.м. ип газлама, 5 млн.донага тенг бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш текстил мажмуаси, шунингдек Жиззах шаҳридаги “А.Сатторов” МЧЖ негизида лойиха қуввати 6 минг тонна пахтадан йигирилган ип ва 4 минг

тоннага тенг бўлган трикотаж матолар йигирув ва тўқувчилик бўйича ишлаб чиқариш, Хоразм вилоятидаги “Қатқалоатекс” МЧЖда лойиха қуввати 12 млн жуфт пайпоқ ва 780 минг донага тенг бўлган трикотаж матолари ишлаб чиқариш, Андижон вилоятидаги “Саховоттекс” МЧЖда лойиха қуввати 6,3 минг тоннага тенг бўлган йигирилган ип ишлаб чиқариш ташкил этилади”.

Кейинги йилларда пахта толасини мамлакатимиз ичида қайта ишлашга алохида эътибор қаратилмоқда. Пахта толаси ахамиятли қисмининг енгил саноат корхоналарида қайта ишлашга йўналтирилиши натижасида унинг экспортдаги солиштира салмоғи йилдан-йилга пасайиб бормоқда .

Бу ҳолатни Президентимиз И.Каримов ташқи савдо таркибидаги чуқур ижобий ўзгаришлар ифодаси сифатида эътироф этадилар: “Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва ҳом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида ҳом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни пайтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт ҳом ашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2005 йилдаги 19,8 фоиздан 2010 йилда 9,3 фоизга тушди”. Бу кўрсаткич кейинги йилларда янада пасайиб, 2014 йилда 9,0 фоизни ташкил этди.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, якуний ишлаб чиқариш шаклига ега бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб етиши зарур», деган едилар. Бу еса, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроққа, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар ошириш имконини беради.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаб, ундан турли даражадаги тайёр маҳсулотлар олишнинг

мавжуд имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Буни биргина пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава махсулоти ўртасидаги нисбатдан ҳам кузатиш мумкин (3.5-жадвал).

Жадвалдаги тахлил шуни кўрсатадики, кейинги йилларда пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқариш жонланиб, 2012 йилда унинг салмоғи 18,5 фоизни ташкил қилган ҳамда пахта толаси билан ип-калава ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатнинг 1:0,19 га етганлигини кўришимиз мумкин. Холбуки, бизга маолум бўлишича 1 кг пахта толасидан 0,85 кг га қадар ип-газлама чиқиши мумкинлиги еотиборга олинса, пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава махсулоти ўртасидаги нисбат 1:0,85 га қадар етиши мумкин. Пахта толасининг ип-калавага айлантирилмаслиги еса ундан кейинги турдаги тайёр махсулотлар (масалан, газлама, трикотаж махсулотлари ва х.к.)нинг ҳам ишлаб чиқарилишини чеклаб қўйишни англатади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда пахта хом ашёсини етиштириш ҳамда уни саноат корхоналарида қайта ишлашнинг турли даражалари ўртасидаги мутаносибликни таоминлаш ялпи ички махсулот ва миллий даромаднинг сезиларли равишда ошишига олиб келиши мумкин. Чунки, миллий саноат корхоналарида пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш натижасида қўшилган қийматнинг ахамиятли даражада ошиб бориши пировардида тармоқдаги ва бинобарин мамлакатимиздаги даромаднинг ўсишига таъсир кўрсатади.

Хозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида миллий иқтисодиёт самарадорлигини таоминлашда ички ва ташқи талаб ўртасидаги мутаносибликни таоминлаш, бунда ички талабни раъбатлантириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб хисобланади. Чунки, ишлаб чиқарилган товарларга талаб етарли бўлмаса уни сотиш ва, бинобарин, харажатларни қоплаб, маолум фойда олиш мумкин бўлмай қолади. Глобал даражадаги ялпи талабнинг

қисқариши ҳам ташқи ҳам ички бозорлардаги мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда.

3.5-жадвал

Ўзбекистонда тайёрланган пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилган ип-калава махсулоти ўртасидаги нисбат

		Газлама тўқийдиган ип-калава		
		миқдори, минг тонна	пахта толаси хажмидаги улуши, %	пахта толаси билан ип-калава ўртасидаги нисбат
2003	943,9	168,6	17,9	1:0,18
2004	977,0	171,4	17,5	1:0,18
2005	1184,2	170,8	14,4	1:0,14
2006	1171,2	164,6	14,1	1:0,14
2007	1124,8	179,6	16,0	1:0,16
2008	1174,0	160,1	13,6	1:0,14
2009	1049,5	173,9	16,6	1:0,17
2010	1118,5	225,6	20,2	1:0,20
2011	1102,1	171,8	15,6	1:0,16
2012	1077,8	199,3	18,5	1:0,19

Шунга кўра, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида асосий йўналишлардан бири – бу махсулотларимизга ташқи талаб қисқараётган бир шароитда ички талабни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Мамлакатимизда ички талабни қўллаб-қувватлаш орқали тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни таоминлаш бир қатор йўналишларда амалга оширилиши зарур. Булардан асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар махсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;
- уларни имтиёзли кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш;
- экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бюджет-солиқ имтиёзларини бериш;
- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий махсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни раъбатлантириш.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда асосий эътибор экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашга қаратилмоқда. Чунки, ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқаришни ўйламаган мамлакат узоқ муддатли тараққиётга эриша олмайди.

Экспортни ривожлантириш эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишни тақозо этади. Бунга фақат маҳсулот таннаҳини пасайтириш орқали эришиш мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида самарадорликни ошириш мақсадида тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш, ички талабни қўллаб-қувватлаш ва раъбатлантириш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юксалтириш ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, тобора кескинлашиб бораётган жаҳон моливий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири оқибатларини янада юмшатишда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлашга имкон яратади.

3.2. Иқтисодий тежамкорликни таъминлашда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни ривожлантириш йўналиши

Иқтисодий самарадорликка эришиш кўп жихатдан ресурслардан тежамли фойдаланиш билан боғлиқ. Айни пайтда тежамкорлик самарадорликдан мазмунан фарқ қилиб, ўзининг тамойиллари ва амал қилиш хусусиятларига эга.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда иқтисодий ресурслардан тежамли

фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг аввало, тежамкорлик масаласи Президентимиз И.А.Каримовнинг бир қатор асарлари ва маърузаларида кўтарилиб, уни таъминлашнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб берилган.

2006 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузада энергия ресурслари, биринчи галда, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар – кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда қаттиқ тежамкорликни таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган. Президентимиз бугунги кунда энергетика масаласининг долзарб аҳамият касб этишига тўхталиб, бу масалада Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланишини, бироқ бу мазкур ресурсларга ҳўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермаслигини таъкидладилар. Бунинг учун эса энергия ресурсларидан фойдаланишда келгуси авлод тўғрисида ҳам қайғуришни, ундан тежамли фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирдилар.

«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарда Президентимиз Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар қаторида «...қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннарҳини камайитишни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш» вазифасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар(35).

Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш мавжуд ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни тақозо этади. Ўз навбатида, ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминлаш иқтисодиётнинг тармоқларининг мутаносиб ривожланишига боғлиқ.

Иқтисодиётдаги тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг тежамкорлик билан ўзаро боғлиқлиги икки жihatга эга. Биринчидан, тежамкорликни иқтисодиёт тармоқлари ўртасида мутаносибликни йўлга қўйиш, таъминлаш учун тақозо этилади. Иккинчидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг ўрнатилиши натижасида тежамкорликнинг кучайишига олиб келади.

Хақиқатан ҳам, иқтисодиёт ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар объектив тарзда амалга ошар экан, муайян қонуниятларга амал қилади. Иқтисодий мувозанатликни тақозо этувчи омиллар ўз ҳаракатида иқтисодий мутаносиблик омиллари билан уйғунлашади. Иқтисодий мувозанатлик янгидан-янги мутаносибликларни келтириб чиқаради, мутаносибликларнинг ўзгариши эса ўз навбатида мувозанатликнинг янги даражаси томон ҳаракат қилдиради.

Шу ўринда, масаланинг муҳим томони – тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг тежамкорликни таъминлаш, яъни тежамли хўжалик юритиш воситаси эканлигидир. Чунки тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик иқтисодиётнинг барқарорлигига асос яратиш орқали тежамкорликни рағбатлантиради. Масалан, муайян товар бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати нархлар ва товарлар миқдорининг нисбатан барқарорлигига олиб келади. Бундай шароитда товар ишлаб чиқарувчи ўзининг фойдасини максималлаштириш учун маҳсулот таннархини пасайтиришга, яъни биринчи навбатда иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишга ҳаракат қилади.


Ҳозирги замон тараққиёти, айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ишчи кучига бўлган талабнинг таклифдан сезиларли даражада ортида қолиши ишсизлик муаммосининг кескинлашувини кўрсатмоқда.

Хақиқатан ҳам ҳозирда жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши натижасида рецессия ва иқтисодий пасайиш, инвестицион фаоллик кўламининг чекланиб бориши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб

мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлмоқда.

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин (3.1-расм).

Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари учун энг оғир муаммо - бу ишсизликдир. Жаҳон инкирози бошланиши билан замонавий иктисодиётда бандлар ва ишсизлар ўртасидаги янги нисбатнинг вужудга келганлиги ҳамда юқори даражадаги ишсизлик унинг аломатига айланганлиги тўғрисидаги хулоса барча учун маълум ҳақиқатга айланди. Аслида, бу борадаги ахвол бир хилда эмас. Бир томондан, ишсизлик дастлабки инкироз ҳолатларидан кейин жуда секинлик билан пасаймоқда. Бошқа томондан, жаҳоннинг куплаб мамлакатлари - бу Германия, Япония, Марказий ва Шимолий европа мамлакатларида ишсизлик даражаси инкироздан олдинги даражасига қайтди. АҚШда ишсизлик даражаси жуда секинлик билан, пасайиб бормоқда ва ҳозирда 7,7% га қадар тушди. Албатта, АҚШ иктисодиёти учун "меъёрадаги" ҳисобланган 4-6% даражага тушишгача ҳали узок(35).



3.1-расм. Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси кўрсаткичлари.

Бу келтирилган мисолларнинг барчаси ишчи кучи бозоридаги номувофиқлик натижасида кўплаб ишчи кучидан фойдаланилмай қолаётганлигини ва давлатнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланишнинг ўта заруриятга айланганлигини кўрсатади.

Агар, ишчи кучи бозорида мутаносиблик таъминланмас экан, у холда ишчи кучидан тежамли фойдаланиш тўғрисида умуман сўз ҳам бориши мумкин эмас. Айниқса, ишчи кучидан тежамли фойдаланишда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида белгиланган илмий меъёрларга мувофиқлиги муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда ишчи кучи ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш даражасига оид тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирда қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ишчи кучи белгиланган илмий меъёрлардан бир неча марта юқори бўлмоқда (3.6-жадвал).

Жадвалдан кўринадик, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 1 га ер майдонида 0,38 бирлик ишчи кучининг банд бўлиши илмий меъёр сифатида белгиланган. Хар йиллик экин майдони турли сабабларга кўра (масалан, алмашлаб экиш, ерларда агротехник тадбирлар ўтказиш ва бошқалар) ўзгариб туриши натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаш учун меъёр бўйича зарур бўлган ишчи кучи сони ҳам ўзгариб туради. Бу борада республикаимизда 2005 йилда 1536 минг киши талаб етилган бўлса, 2014 йилга келиб 1544 минг кишига қадар ортган.

3.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи сони билан илмий асосланган меъёрлар ўртасидаги номутаносиблик

Йиллар	1 га ер майдонига белгиланган ишчи кучи сони	Экин майдони, минг га	Меъёр бўйича зарур бўлган ишчи кучи сони, минг киши	Ҳақиқатда бандлар сони, минг киши	Меъёрдан ортиқча ишчи кучи сони, минг киши	Ишчи кучи сонининг меъёрдан ортиб кетиши, марта
2005	0,38	4042,7	1536	3063	1527	1,99

2006	0,38	4049,0	1539	3043	1504	1,98
2007	0,38	4057,2	1542	2967	1425	1,92
2008	0,38	4064,2	1544	2936	1392	1,90
2009	0,38	4068,6	1546	2998	1452	1,94
2010	0,38	4071,2	1547	3036	1489	1,96
2011	0,38	4073,1	1548	2898	1350	1,87
2012	0,38	4071,0	1547	3127	1580	2,02
2013	0,38	4064,7	1545	3239	1694	2,10
2014	0,38	4062,5	1544	3261	1717	2,11

Тахлил даврида республикамизнинг қишлоқ хўжалигида амалда банд бўлган ишчи кучи сонининг дастлаб камайиб бориб, кейинчалик ортиб бориши тенденцияси кузатилади. Бу ҳолат, дастлаб жамоа ва давлат хўжаликларининг ширкат хўжаликларига, кейин еса зарар кўриб ишловчи ширкат хўжаликларининг дехқон ва фермер хўжаликларига айлантирилиши натижасида иш ўринларининг оптималлашуви билан изохланади. 2005-2014 йиллар давомида ҳақиқатда бандлар сони 3063 минг кишидан 3261 минг кишига қадар, яъни 2,1 фоизга ортган.

Шунга қарамай, хўжаликлардаги ишчи кучининг белгиланган илмий меъёрдан ортиқчалиги сезиларли даражада сақланиб келмоқда. Агар бу ортиқчалик 2005 йилда 1,99 мартани ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 2,11 мартани ташкил этган. Демак, бундан хулоса чиқариш мумкинки, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи сони билан илмий асосланган меъёрлар ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши ишчи кучи ресурсларидан тежамли фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда(98).

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида ишчи кучи ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи ресурсларини ўзининг ихтисослиги, малакаси ва сифати бўйича мавжуд иш ўринларига мувофиқлигини таъминлаш;

- ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги даражасидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ишчи кучининг оптимал меъёрини аниқлаш ва банд ишчи кучи сонини унга мувофиқлаштириш;

- ортиқча ишчи кучи ресурсларини қишлоқда қайта ишлаш саноати, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма корхоналарини барпо этиш орқали банд қилиш ва ҳ.к.

Умуман олганда, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида дастлабки паллада тежамли хўжалик юритиш механизмларининг давлат томонидан шакллантирилиши, тартибга солиниши ва рағбатлантириб турилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, тежамкорликнинг объектив иқтисодий муносабат сифатидаги табиий шаклланиш ва амал қилиш жараёни узок муддат тақозо этиб, бу даврда жуда кўплаб табиий ресурс ва моддий бойликлар хўжасизларча ишлатилиши натижасида беҳуда сарф бўлиб кетиши мумкин. Айниқса, кўплаб майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташкил топиши ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодий ресурслардан фойдаланишда илмий меъёрларга амал қилмаслик, акарият ҳолларда улар тўғрисида маълумотга эга бўлмаслик ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида кўплаб янгидан иш бошлаган тадбиркорлар ўз хўжалик юритиш фаолиятларининг меъёрдаги самарадорлигини таъминлай олмай, банкротликка учрамоқдалар. Бу эса, умумий ҳолда жамиятимиз учун сезиларли даражадаги йўқотишларга олиб келмоқда, ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларининг янада юқори бўлишига тўсқинлик қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигига техника воситаларидан тежамли фойдаланиш катта таъсир кўрсатиб, бу ўринда ҳам мазкур жараённинг турли томонлари ўртасидаги мутаносиблик муҳим ўрин тутади. Чунки, қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг сони ишлов бериладиган ер майдони, унда иштирок этувчи ишчилар сони, бажариладиган техник ишлар тури ва ҳажми ҳамда бошқа бир қатор жараёнларга мутаносиб

равишда аниқланиши лозим. Ушбу жараёнлар эса техника воситаларига бўлган оптимал заруратни ифодаловчи илмий меъёрларда намоён бўлади. Шунга кўра, техника воситаларидан тежамли фойдаланиш энг аввало илмий асосда ишлаб чиқилган меъёрларга мувофиқлик орқали баҳоланади.

Республикадаги мавжуд қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг илмий меъёрларга мослиги таъминланмаган. Хусусан, 2012 ва 2014 йилларда ер хайдов тракторларининг сони илмий меъёрлардан белгиланган сонидан тегишли равишда 25645 ва 28466 донга кам бўлган. 2010 йилда мавжуд ер хайдов тракторларининг меъёр бўйича зарур миқдоридаги улуши 36 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 донга тракторлар, 3960 донга трактор тиркамалари, 3603 донга култиваторлар, 1076 донга дон ўриш комбайнлари ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган(98).

Умуман олганда, иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни янада кучайтиришнинг муҳим йўллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодий ресурсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланиш тежамкорлигини таъминловчи омилларни аниқлаш ва уларга мақсадга йўналтирилган ҳолда ёндашиш;

- иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминловчи меъёрларнинг илмийлик даражасини ва обьективлигини ошириш;

- иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминловчи илмий меъёрларни ишлаб чиқишда мунтазам ҳолда жаҳоннинг илғор фан-техника ютуқлари ва янгиликларининг эътиборга олинишини таъминлаш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида келтирилган чора-тадбирларнинг изчил равишда амалга оширилиши тармоқлар ўртасидаги мутаносибликнинг иқтисодий

ресурслардан тежамли фойдаланишга таъсирини янада кучайтириш имконини беради.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни тармоқлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаритилган илмий тадқиқот давомида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бир маромда кечишида мувозанатликни таъминлашнинг асосий шarti бўлган турли даража ва кўринишдаги мутаносибликлар муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиётда мутаносиблик таъминланмай туриб, уни ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожлантириб бўлмайди.

2. Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда иқтисодиётда салбий ходисалар келиб чиқишининг олдини олишнинг муҳим йўли – иқтисодиётнинг турли даражасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади.

3. Турли тармоқлар ўртасидаги мутаносиблик бир-биридан фарқланиши мумкин. Бунда мазкур турдаги мутаносибликнинг вужудга келишига таъсир этувчи иқтисодий шароит, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси; иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражаси; меҳнат тақсимоотида тутган ўрни; ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш даражаси муҳим ўрин тутди.

4. Иқтисодий мутаносибликларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ва умумий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: фан-техника тараққиёти ютуқларининг ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши; илғор замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш; иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш даражасининг ўсиши; ишчи кучи малакасининг ошиши; меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва х.к.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз вақтида сотилиши ва қўшимча даромад олинишини таъминлашнинг муҳим йўналиши – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат корхоналарида қайта ишлашни ривожлантириш ҳисобланади. Ўзбекистонда яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси паст бўлиб, уни ривожлантириш ўта долзарб бўлиб турган пайтда корхоналарнинг аксарияти ишлаб чиқариш қувватларининг ярмидан ҳам фойдаланаётганлари йўқ.

6. Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд. Жумладан, ишлов бериладиган ер майдони билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур техника воситалари миқдори ўртасида, етиштирилган маҳсулот билан уни саноат корхоналарида қайта ишлаш имкониятлари

ўртасидаги номутаносибликлар мавжуд.

7. Иқтисодий мутаносиблик таъминланишининг бозор механизмларининг мустақил фаолияти назарий жихатдан эътироф этилсада, реал ҳаётда уларнинг самарали амал қилишини давлат механизмнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат томонидан иқтисодий мутаносибликни таъминлашда номувозанатлик ҳолатларининг сабаби, даражасини фарқлаш зарур. Чунки, бундай фарқлаш уларни таъминлашда давлатнинг тегишли иқтисодий сиёсати ва мос дастакларидан самарали фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини яратади.

8. Мамлакатимизда ички талабни қўллаб-қувватлаш орқали мутаносибликни таъминлаш бир қатор йўналишларда амалга оширилмоқда. Булардан асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;
- уларни имтиёзли кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш;
- экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бюджет-солиқ имтиёзлари бериш;
- экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш.

9. Тежамкорликнинг объектив иқтисодий муносабат сифатидаги табиий шаклланиш ва амал қилиш жараёни узок муддат тақозо этилиб, бу даврда жуда кўплаб табиий ресурс ва моддий бойликлар хўжасизларча ишлатилиши натижасида беҳуда сарф бўлиб кетиши мумкинлиги сабабли, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида дастлабки палласида тежамли хўжалик юритиш механизмларининг давлат томонидан шакллантирилиши, тартибга солиниши ва рағбатлантириб турилиши мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда тармоқларни мутаносиб ривожлантиришга қаратилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарор суръатларини таъминлашда мутаносибликнинг қуйидаги амалий жihatларидан фойдаланишга эътибор кучайтириш лозим: иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир маромда, барқарор равишда кечиши учун асос яратиш; ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш; иқтисодий ресурсларнинг давлат, миллий иқтисодиёт тармоқ ва сохалари, хуудлари ва бошқа таркибий қисмлари бўйича оқилона ва самарали тақсимланишига имконият яратиш; мамлакатдаги мавжуд ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва сохалари ўртасида оқилона тақсимлаш ва х.к.

2. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохалари ривожланишида ўзаро диалектик боғлиқлик мавжуд бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантирмай туриб хизмат сохасини кенгайтириб бўлмайди. Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш сохасининг ривожланиши ишлаб чиқариш ривожига янги имкониятлар очиб беради. Шунга кўра, хозирда тарихан узоқ йиллар давомида ривожланиб келган ишлаб чиқариш сохаси ҳамда жадаллик билан ўсиб бораётган хизмат сохаси ўртасида ўзаро оқилона мутаносибликнинг шаклланиш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар даражасига етиши учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохалари ўртасидаги нисбатни хозирги 1:0,74 даражадан 1:1,5-2,5 даражага қадар ошириш зарур бўлади.

3. Умуман олганда, иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишда тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни янада кучайтиришнинг муҳим йўллари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ресурсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан фойдаланиш тежамкорлигини таъминловчи омилларни аниқлаш ва уларга мақсадга йўналтирилган ҳолда ёндашиш;

- иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминловчи меъёрларнинг илмийлик даражасини ва объективлигини ошириш;

- иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишни таъминловчи илмий меъёрларни ишлаб чиқишда мунтазам ҳолда жаҳоннинг илғор фан-техника ютуқлари ва янгиликларининг эhtiборга олинишини таъминлаш ва ҳ.к.

4. Ўзбекистонда мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсишни янада юксалтиришнинг қуйидаги йўналишларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ўртасидаги ўзаро оқилона нисбатни таъминлаш, улар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва технологик боғлиқликни оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш; иқтисодий жараёнлар ўртасидаги муайян мутаносибликни таъминлаш; мамлакатдаги ишчи кучи ресурслари ва улардан фойдаланиш борасидаги мутаносибликни таъминлаш; инновациялардан фойдаланиш, илмий-техникавий салоҳиятни юксалтириш орқали юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш; мавжуд ресурслар тақсимотини яхшилаш, ишлаб чиқарувчи кучларни самарали жойлаштириш ва хоказо.

5. Иқтисодиётнинг мутаносибли ривожланишини таъминлашда қуйидаги йўналишларда ресурслардан тежамли фойдаланиш зарур: иқтисодий ресурсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан самарали фойдаланишга мажбур этувчи механизмни янада такомиллаштириш; тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ва уларнинг иқтисодий мувозанат, мутаносибликка таъсирини аниқлаш; ресурслардан тежамли фойдаланиш меъёрларининг илмийлик даражаси, объективлигини оширишда жаҳоннинг илғор фан-техника ютуқлари ва янгиликларини ишлаб чиқариш амалиётига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

6. Қишлоқ хўжалигида ишчи кучи ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи ресурсларини ўзининг

ихтисослиги, малакаси ва сифати бўйича мавжуд иш ўринларига мувофиқлигини таъминлаш;

- ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги даражасидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ишчи кучининг оптимал меъёрини аниқлаш ва банд ишчи кучи сонини унга мувофиқлаштириш;

- ортиқча ишчи кучи ресурсларини қишлоқда қайта ишлаш саноати, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма корхоналарини барпо этиш орқали банд қилиш ва х.к.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: “Адолат”, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет ел инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. – Т.: “Адолат”, 1992.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонуни. // Иқтисод ва ҳисобот, №2, 1995.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет ел инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. (Солиқ тўловчининг журнали 6-сон). 1998 йил 30 апрел.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолати тўғрисида”ги қонуни. 1999 йил 14 апрел. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - “Адолат”, 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни. Ҳалқ сўзи” газетаси. 2000 йил 27 сентябр.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1999 йил 19

август. - “Адолат”, 2000.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 2000. 10-сон.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. Янги таҳрири. “Халқ сўзи” газетаси, 2003 йил 10 июн.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1994 йил 21 январдаги фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида”ги 1996 йил 30 ноябрдаги фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1997 йил 31 январдаги фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини тахминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрдаги фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ва

ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 20 январдаги қарори.

17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 28 январдани қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

18.Каримов И.А. Мақсадимиз тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 45 б.

19.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. -269 б.

20.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т-2. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - 381 б.

21.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т-4. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. -349 б.

22.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996. - 366 б.

23.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. - 363 б.

24.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т-5. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 381 б.

25.Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ қилишга хизмат этсин. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - 30 б.

26.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

27.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т-6.–Т.: “Ўзбекистон”, 1998.- 429 б.

28.Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. –252 б.

29.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-том. Т.; “Ўзбекистон”, 2000. - 112 б.

30.Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -144 б.

31.Каримов И.А.Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: “Ўзбекистон”, 2006. -280 б.

32.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. -320 б.

33.Каримов И.А.Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008. -368 б.

34.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор

ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -280 б.

35.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

36.Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир //Халқ сўзи. 2015. 17 январь №11.

37. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” //Халқ сўзи. 2016. 17 январь №11.

IV. Китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўпламлари:

38.Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. –Т.: “Меҳнат”, 2004. -670 б.

39.. Басовский Л.Е. “Прогнозирование и планирование в условиях рынка”. –М.: Инфра, 2002. – с.91.

40. Борисов Е. Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – с.544.

41.Вахобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. -Т.:Янги аср

авлоди. 2003. - 334 б.

42.Ваҳобов А. ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари. -Т.: Шарқ, 2003. - 400 б.

43.Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ, 2003. -319 б.

44. Кейнс Дж. М. Избранные произведения. -М.: Экономика, 1993.

45. Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. - М. : ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – с.432.

46. Козырев В.М. “Основы современной экономики” 2-е издание. Учебник для вузов. –М.: “Финансы и статистика”, 2001. – с.432.

47. Леонтьев В.В. Межотраслевая экономика: Пер. с англ./ Автор предисл. и науч. ред. А.Г.Гранберг. -М.: ОАО Изд-во “Экономика”, 1997. –с.479.

48. Маконнелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Пер. с 13-го англ. изд. -М.: Инфра - М, 2001. –с.974.

49.. Мальтус. Т. Закон О народонаселении. –М.: Эконом, 1993. –с.486.

50. Мамедов О.Ю. Смешанная экономика. - Ростов н/Д: Изд. Феникс, 2001. – с.224.

51. Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х томах.-М.: Издательская группа “Прогресс”, 1993.

52. Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономист, 2005, -с.147.
53. Мочерный С.В., Некрасов В.Н., “Экономическая теория”. Учебник для вузов. –М.: 2000.
54. Менкью Грегори. Принципы Экономикс. -СПб: Питер Ком, 1999. –с.784.
55. Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник / Под ред. проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003, с.504..
56. Орешин В.П. Государственное регулирование национальной экономики (В вопросах и ответах): Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2000. –с.124.
57. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебн. пособие для вузов. / Под ред. Т.Г.Морозовой. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. –с.318.
- 58.. Расулев А. Бедренцев А. Узбекская модель рыночных реформ и макроэкономическая стратегия “Общества и экономика”, 2000.-с.89.
- 59.. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2005. –с.280.
60. Сажина М., Чибриков Г. Экономическая теория: учебник для вузов. –М.: Норма, 2007. –с.672.
61. Саидова Г., Шадыбаев Т. Макроэкономика. -Т.: Шарқ, 2003. –с.112.
62. Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика.: Учебник / 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО “Вильямс”, 2009. –с.1360.

63. Сей Ж. Трактат политической экономии. –М.: Экономика. 1980. –С.217.
64. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: 1976. –с.332.
65. Стенли Фишер и др. Экономика. -М.: Изд. Дело, 1993. –с.829.
66. Тарасевич Л.С., Гальперин В.М., Гребенников П.И., Леусский А.И. Макроэкономика: -СПб.: СПбГУЭФ, 1999. – с.656.
67. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Иккинчи китоб. -Т.: Шарқ, 2003. -416 б.
68. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000. –с.368.
- 69.. Устиян И. Кейнсианство: доктрина регулируемой рыночной экономики “Экономист”. - М.: 1996.
70. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: Экономика, стратегия, управление. - М.: Инфра - М, 2000. –с.312.
71. Фридман М. Если бы деньги заговорили... /Пер. с. англ. –М.: Дело, 1998. – с.160.
72. Хейне Пол. Экономический образ мышления / Перевод с англ. -М.: “Саталог”, 1997. –с.704.
73. Шодмонов Ш., Гофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2010. -728 б.

74. Экономическая теория. Под редакцией заслуженного деятеля науки РФ д.е.н. А.И. Добркина, д.е.н. Л.С. Тарасевича. –СП.: 1997. –с.295.

75. Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – с.592.

76. Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добркина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – с.672.

- 77.Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. –480 б.

- 78.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Мехнат, 1995. -528 б.

- 79.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт, 2009.

- 80.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги махрузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. - 2011. 82-б.

81.Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари. – Т., 1997.

82.Ғуломов С. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2000. -280 б.

83.Ҳамроев О.Ҳ. Иқтисодий мувозанат ва уни таъминлаш механизмлари. – Т.: ТДИУ, 2004.-192 б.

V. Илмий журналлардаги мақолалар

84.Акрамов Е. Турецкая модель социально-экономического развития. // Экономика и статистика, -Т.: 1993, -№4.

85. Абалкян Л. Ожидание перемен и уроки истории. // Вопросы экономики, -М.: 2000, -№6.

86. Баутина Н. Опыт становления рыночных хозяйств (информация, размышления, комментарий). // Экономические науки, -М.: 1991, -№1.

87. Волков А. Финансовая статистика и переход к рыночной экономике. // Вопросы экономики, -М.: 1991, -№4.

88. Журавлёв С. Государственное регулирование экономики в переходной период. -М.: // Экономика, 1991, -№5.

89.Кац И. Роль и задачи государственного регулирования экономики. // Экономист, М.: 1996.

90.Петров А. Планомерность и пропорциональность социалистического

воспроизводства. // Плановое хозяйство, -М.: 1983, -№1.

91.Трофимов Г. Внешний долг и денежно-кредитная политика. // Вопросы экономики, -М.: 2000, -№5.

92.Фозилов Р. Молиявий ва пул сиёсати. // Иқтисод ва ҳисобот, -Тошкент, 1996,-№8.

93.Хамроев О.Ҳ. Макроэкономическое равновесие и причины ее нарушения. // Экономика и класс собственников –Т.: 2003, -№4.

94.Шодмонов Е.Ш. Иқтисодий мувозанатликнинг намоён бўлиш шакллари // Иқтисодиёт ва таҳлим. – Тошкент, 2008. – №4.

95. Шодмонов Е.Ш. Структурные преобразования и их финансовые источники в Узбекистане // Перспективы инноваций, экономики и бизнеса. Международный научный Бюллетень. - Прага, 2009. -Выпуск 1.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

96. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари /Ўзбекистон Республикаси Статистик қўмитаси. 2000-2010 йиллар.

97. «Экономика Узбекистана» информационно-аналитический обзор за 2007 год.

98. Сельское хозяйство Узбекистана 2015 / Статистический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.

99.Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007-2010 йиллар / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2008.

100.Ўзбекистон иқтисодиёти / Ахборот-таҳлилий бюллетень 2013 йил. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2014.

101.Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси, 2013 / Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2014.

102.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Манба: «Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами».-Т.: “Ҳаёт нашр” МЧЖ, 2015

VII. Интернет сайтлари

[103.www.gov.uz](http://www.gov.uz)–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

[104.www.пресс-сервисе.уз](http://www.пресс-сервисе.уз)–Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.

[105.www.мфер.уз](http://www.мфер.уз)–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.

[106.www.УзА.Уз](http://www.УзА.Уз)–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

[107.www.ревью.уз](http://www.ревью.уз) – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти.

[108.www.сер.уз](http://www.сер.уз) – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

[109.www.узрепорт.com](http://www.узрепорт.com) – бизнес ахборотлари портали.

